

Хурмат қилсанг,
хурмат кўрасан,
Меҳнат қилсанг,
даврон сурасан.



ЭЗГУЛИК АСРАГАЙ ДУНЁНИ...

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонларида В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари ўз ташаббуслари билан ҳар ойнинг ўн бешинчи санасида хайрия концертлари уюштириб, йиғилган маблағга Республика гематология ва қон куйиш илмий текшириш институтида даволанаётган болажонлар учун зарур доридармонлар харид қилишга кўмаклашишгаётгани хусусида ҳикоя қилган эдик. Яқинда таълим муассасасида таҳсил олаётган халқаро ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган танловлар голиблари вакиллари бир гуруҳи яна ушбу шифо масканида бўлиб, дардманд кичкинтойлар, уларнинг яқинларини хурсанд этишди. Меҳнатлари билан топган совғаларини улашиб, илиқ сўзлари билан кўнгилларини хушнуд этишди.

Bolalar-bolalarga

— "Болалар-болаларга" лойиҳаси жуда кенг қамровли бўлиб, қатор мақсадлар кўзда тутилган, — дейди академик лицей директори Дилдора Жамолова. — Энг аввало, санъат оламига балки эндигина қадам ташлаётган ўғил-қизларимиз учун саҳнага чиқиш имконияти берилди. Яъни, ушбу хайрия концертида нафақат турли танловлар голиблари, балки, вилоятларнинг чекка-чекка қишлоқларида истикомат қилиб мусиқий таълим олаётган болажонлар мурожаат қилиб, иштирок этишлари учун имконият яратилди, ёрдам берилди.

(Давоми 16-бетда.)



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади чуқур bilim va mustaqil fikrga эга, замонавий технологияларни пухта эгаллаган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида қамол топан ёшларни вояга етказишдан иборатдир. Ислохотларнинг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг мазмунига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда таълим стандартларини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш ва мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УИА мухбири Республика таълим маркази директори, педагогика фанлари номзоиди Ислам ЗОКИРОВ билан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Qaror va ijro

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

— Мамлакатимиз таълим тизимида замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратишнинг ўзига хос механизми шаклланди. — дейди И.Зокиров. — Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мак-

таблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тажриба-тадқиқот майдонлари фаолияти қутулган натижаларни бераётими?

Замонавий таълим ўқувчиларни борлиқни яхлит система сифатида қабул қилишга ўргатиши, ҳодиса ва воқеалар ўрта-сидаги боғлиқликни, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англашга ёрдам бериши зарур. Бундай таълимнинг асоси мавжуд метод ва усулларни уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг яқка тартибда, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш қўнимчаларини шакллантириш, дўстона ўқув муҳитини яратишдан иборат.

ра жадаллашиб бораётган бугунги шиддаткор даврда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш масаласи педагог-олимларимизнинг диққат-марказида турибди. Бу, ўз навбатида, ўқув жараёнини технологиялаштириш, яъни ўқитишни аниқ кафолатланган, қутулган натижани берадиган технологик жараёнга айлантиришни тақозо этаётир. Ушбу зарурат педагогика фанида янги — педагогик технологиялар йўналишини юзага келтирди.

Jarayon

Ижтимоий ахборот оқими тобо-

(Давоми 5-бетда.)

ДАРС ТАҲЛИЛИ

педагогларнинг янги қирраларини кашф этади

Устоз-мураббийларнинг тажриба ва маҳоратини аниқлаш, қўллаб-қувватлашда дарс таҳлилларининг аҳамияти катта. Дарс таҳлили нафақат мактаб, балки олий таълимнинг юқори бўғинида ҳам назоратнинг таъсирчан усуллари билан саналади. Уни амалиётга татбиқ этиш учун профессор-ўқитувчилардан ҳар ойда 4 соат, бир йил давомида 36—40 соатгача педагог ходимлар томонидан ўтилган дарсларни таҳлил қилиш талаб этилади.

МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Инсоннинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжи замирида фаровон ҳаёт кечириш, орзуниятларига эришишдек эзгу мақсадлар ётади. Меҳнати ортидан турмуши фаровон бўлишини, моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишини онгли бўлган ҳар бир шахс чуқур идрок этади. Зеро, бу ҳақиқат инсоният ер юзиде пайдо бўлган ондан бошлаб унинг ҳаёт тарзи ва шиориға айланган.

ОРЗУСИ БИР ЖАҲОН ШОҲЖАҲОН

Эртанги кун эгалари бўлиш болаларни спортга янада кенг-роқ жалб этиш борасида амалга оширилаётган саяҳат-ҳаракатлар жажамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларимизнинг кундан-кунга обод бўлиб, ҳар қадамда замонавий, мухташам спорт иншоотларининг қад ростлаётгани ҳаммадан кўра, болажонларнинг қувончини оширмоқда.



ДОИМИЙ СЕМИНАРЛАР

педагог малакасини ошириш орқали ўқувчининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини касбий тайёргарликка эга, замонавий кадрлар билан таъминлаш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, улар ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасаларидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлимлари мутахассислари ҳам ушбу таълим муассасалари педагогларнинг маҳоратини ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишяпти.

Қарорда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳузурда ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашлари бўйича доимий семинарлар ташкил этиш ва олий ўқув юрталарининг етакчи ўқитувчиларини бириктириш вазифаси ҳам белгиланган. Вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида бундай тадбирлар Тошкент давлат техника университети қошидаги "Компьютер технологиялари" академик лицейида ойига бир мартаба ўтказилиши белгиланган. Уни ташкил этишда иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар рўйхати шакллантирилди. Кувонарлиси, нафақат Тошкент шаҳридаги, балки юртимизнинг барча ҳудудларидаги тегишли йўналишда фаолият юритаётган академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этаямиз. Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог кадрлари учун семинарлар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш инсти-

туту базасида ўтказилаяпти. Жалб этилган модераторлар ўз касбий маҳоратлари ва малакаларини ошириш вилоятлар бўйича тақсимланди. Республика бўйича ўтказилган семинар-тренинг якунлари бўйича тақдим этилган маълумотга кўра, 5000 нафарга яқин акаде-

Қарор ва ижро

мик лицей ва касб-хунар коллежи директорлари ҳамда ўқитувчилари илғор педагогик технологиялар бўйича малака оширди.

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат: академик лицейлардаги таълим-тарбия ишлари ва педагогларнинг малака даражасини ўрганиб чиқиш мақсадида университет таърибли профессор-ўқитувчилари таркибидан ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ томонидан университет қошидаги барча академик лицейлардаги таълим-тарбия ишлари ва педагогларнинг малака даражаси ўрганилиб танқидий таҳлил қилинди, директор муовинларига керакли кўрсатмалар берилди, директорлар масъулияти-

ни ошириш бўйича қўшимча дастур ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичини ошириш, қирмаганларини иш ўринлари билан таъминлаш ёки ўқишга тайёрловчи маслаҳат курсларига жалб этиш бўйича ҳам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган ўқув йилида ўқишга кира олмаган 252 нафар битирувчиларнинг бarchasi ишга жойлаштирилди, шундан 23 нафари университетдаги бўш лаборант ва техник лавозимларга ишга олинди. Университет профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида фан тўғрисидаги таълим ташкил этилди. Ўқувчиларнинг хоҳиш ва истакларини ўрганиб чиқиб, олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрловчи «Абитуриент штаби»даги маслаҳат курслари фаолияти ҳам такомиллаштирилди.

Академик лицей ўқувчилари талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлса, коллеж битирувчилари эса бир эмас, бир неча йўналиш бўйича кичик мутахассис сифатида муваффақиятли фаолият кўрсата олса — бахтимиз. Зотан, барча сайҳаракатлар ва доимий семинарлардан кўзланган мақсад ҳам педагог кадрлар малакасини ошириш орқали ўқувчиларга чуқур билим бериш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашидир.

Саидазиз ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат техника университети академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи

Jarayon

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хар йили янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган Дастур асосида касб-хунар коллежларида етарли билим олган, хунар ўрганган ёшларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича доимий иш ўрнига эга бўлишмоқда.

Ўтган йили Самарқанд маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тугатган Алишер Ражабов ҳам ана шундай ёшлардан саналади. Таълим масканида «Сартарошлик санъати ва декоратив косметик» йўналиши бўйича таҳсил олган Алишер бу

АМАЛИЁТДАН — ДОИМИЙ ИШГА

ерда устозларидан сартарошлик сир-синоатларини пухта ўрганди.

— Бу касбга қизиқиш менга отамдан ўтган бўлиб, биринчи устозим ҳам у киши ҳисобланади, — дейди Алишер. — Ёшлигимда отам маҳалламизда жойлашган сартарошхонада фаолият олиб борарди. Кўпчиликнинг ундан миннатдор бўлиб чиқиб кетиши менда шу касбга қизиқиш уйғотган. Коллеждаги устозларимнинг шу йўналиш бўйича берган билимлари, шунингдек, шахримиздаги сартарошхонада ўтаган амалиёт дарслари тажрибамни янада оширишимга имкон туғдирди. Амалиёт сабоқларини шахар марказидаги «LUX» эркаклар салоҳида ўтказганман. Ишим маъқул бўлди шекилли, шу ерда ишга олиб қолишди. Кун давомида ўртача 10–15 нафар мижозга хизмат кўрсатаман. Шуни англадимки, сидқидилдан меҳнат қилган киши, албатта, одамлар ишончини қозонади, элда кадр топади. Қолаверса, меҳнати ортдан турмушини обод қилишга ҳам имкони етади.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИЛҒОР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ



Нукус шаҳридаги 37-«Науше» мактабгача таълим муассасасида 265 нафар ўғил-қиз илғор педагогик технологиялар асосида самарали таълим-тарбия олмақда.

Мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, эзгу ишлар самарасида моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий шарт-шароитга эга бўлган мазкур масканда тарбияланаётган ҳар бир ўғил-қиз алоҳида эътиборда. Болаларнинг ижодий қобилияти, қизиқини аниқлаш, ривожлантириш мақсадида турли тўғрақарлар фаолияти йўлга қўйилган. Турли танловлар, аждаман ва се-

минарларда фаол қатнашиб, касб малакасини ошираётган муассаса тарбиячи-педагоглари ўқув машғулотларни юқори савияда, интерфаол методлар, кўргазмали воситалар ёрдамида олиб бормоқда. Шунингдек, болаларни табиатга меҳр қўйиши, яшиллик дунёсига оид билим ва тасаввурини бойитиш мақсадида муассасада ботаника бурчаги ташкил қилинган.

Суратда: Нукус шаҳридаги 37-сонли «Науше» мактабгача таълим муассасасида.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида олий таълим тизимида архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги ҳамкорлигида «Келажакни қурамиз» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар мамлакатимизда шаҳарсозлик, қишлоқларда барча қўлайликларга эга замонавий уйлар барпо этиш, янги иншоотлар ва ижтимоий объекتلарни қуриш, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилайётганлигига атрофлича тўхталишди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ТАЯНЧИМИЗ

Мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларини бирлаштирадиган юқори тезликдаги миллий "Электрон таълим" тармоғидан фойдаланган ҳолда ўтказилган тадбирда, шунингдек, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти, Жиззах ҳамда Фарғона политехника институти, Қорақалпоқ ҳамда Урганч давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этди. Ҳозирги кунда республика олий таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш йўналишида 13та йўналиш ва 19та мутахассислик бўйича 11 мингдан зиёд талабалар таълим олишмоқда. Мазкур тармоқ учун кадрлар тайёрлашнинг 80 фоиз улуши ҳудудлардаги олий таълим му-

ассасалари ҳисобига тўғри келади. Эътиборлиси, архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими мувофиқлаштирилиб, ўқув жараёнлари фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигида олиб борилмоқда. Талабалар ўқитувчилар раҳбарлигида объектларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнларида ҳам иштирок этишмоқда.

Видеоконференция доирасида «Келажакни қурамиз» лойиҳасида соҳага йўналтирилган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ҳам тингловчи сифатида қатнашди. Шунингдек, видеоконференцияда олий таълим муассасалари талабаларининг битирув-малакавий ишлари ҳамда магистрик диссертациялари намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг ушбу қарорига мувофиқ ҳар бир дарслик аввал муаллифлар, сўнгра бошқа кўплаб мутахассислар иштирокида ўтadиган дарслик ҳамда ўқув-методик мажмуалар танло-ви асосида саралаб олин-моқда. Дарсликларни яра-тишга етук олимлар, тажри-бали ўқитувчилар, услубчи-

лар фарзандларига имтиёз-ли бунда тақдим этилади. Махсус мактаблар ва Меҳ-рибонлик уйлари тарбияла-нувчиларига эса бепул бе-рилади.

Ёшларимизнинг билим ва дунёқарашини замон билан ҳамнафас ривожлантириш — давр талаби. Қолаверса, китоблар вақт ўтиши билан эскириб, яроқсиз ҳолга ке-лиши мумкин. Бу дарслик-

либ, дарсликлар ишлаб чи-кариш ҳажми белгиланади. Бунда қўшимча захира шакллантиришга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилади.

Шу жараёнда жойларда-ги мактаб маъмуриятлари ишни тўғри ташкил этса, дарслик таъминотида муам-мо бўлмайди. Аммо баъзида мактаб раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли битта синф учун дарсликка

рофимиздаги олам ва одоб-нома фанларидан яратилган дарсликлар мазмун, шакл ва сифати жиҳатидан халқро андозаларга тўла жавоб бе-ради.

Болалар ўртасида спорт-ни ривожлантириш, улар-нинг бадантарбия машқла-рини тўғри йўналтириш мақсадида жисмоний тарбия фанидан ҳам дарсликлар чоп этилмоқда. 1-синф ўқувчи-ларининг шундай дарсли-гида жисмоний тарбия-нинг назарий масалалари тўлиқ қамраб олинган, дар-сини амалиёт билан бирга ташкил этиш услублари баён этилган. Ушбу китоблар бу-гунги кунда ҳар бир ўқув-чининг жисмонан камолот-га эришишида муҳим қўл-ланмага айланаётир.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарориди хорижий тиллар бўйича янги дарсликлар яра-тиш вазифаси ҳам белгилан-ган. Бу борада қандай иш-лар амалга оширилмоқда?

ўқувчилари ва ўқитувчила-ри учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар яра-тиш бўйича иш олиб бори-лаётир.

2013/2014 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаб-ларининг биринчи синфи-дан ўйин тарзидаги ва оғза-ки дарслар орқали чет тил-ларни ўрганиш бошланади. Айни кунларда бу жараёнда фойдаланиладиган 364 ном-даги қарийб 22 миллион нусха дарслик ва ўқув-услуб-бий қўлланмани чоп этиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ҳозир мamlakatимиз ўқувчиларини дарслик билан таъминлаш даражаси қарийб 98,4 фоизни ташкил этади. Бундан 21 йил олдин бу кўрсаткич бор-йўғи 55,4 фоизни ташкил этганини инобатга олсак, таълим ти-зимиди «Ўзбек модели»-нинг қисқа даврда бераёт-ган муҳим самаралари ёрқин намоён бўлади.

Бу Франциядаги «Инс-сад» халқро бизнес макта-би томонидан Жаҳон интел-лектуал мулк ташкилоти бил-ан ҳамкорликда тайёрлан-



лар, миллий ва хорижий экспертлар кенг жалб этил-моқда. Уларнинг олдида йи-гирмадан кўпроқ талаб қўйилади. Яъни, яратилажак дарслик давлат таълим стан-дартлари ҳамда ўқув дастур-ларига мос бўлиши, ўқув-чининг ёш хусусиятлари, психологик-физиологик ҳолатлари, ёшларнинг маъ-навиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, фанларро узвийликни таъминлаш каби жиҳатлар эътиборга олини-ши лозим.

Саралаш ва танловлардан муваффақиятли ўтган дарс-лик ҳамда ўқув қўлланмала-рини чоп этиш учун наشري-ётлар ва босмаҳоналар ўрта-сида тендер ўтказилади. Бунда қўлланманинг сифа-ти, бежиримлиги, чидамли-лиги, экологик соф маҳсу-лотдан тайёрланиши, дизай-ни, нархи эътиборга олина-ди.

Чоп этилган дарсликлар-ни мактаб кутубхонасига ет-казиб беришнинг ҳам узлук-сиз тизими яратилган. Бугун ота-оналарга, ўқувчилар-га қулайликлар яратиш мақ-садида мактабларимизда дарсликлар ижара асосида етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили дарсликларнинг ўн беш фоизи мактаб кутубхо-налари фондига бепул етказ-иб берилади. Улар ижти-мой ҳимояга муҳтож оила-

ларни доимий янгилаб, та-комиллаштириб боришни тақозо этади.

Кейинги йилларда йигир-мадан кўпроқ фан бўйича ўқув дастурлари оптимал-лаштирилди. Қайта нашрга тавсия этилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари оптималлашган ўқув дастурла-ри асосида бойитилиб, жа-ҳон андозаларига мос ҳолда янгидан чоп этилмоқда.

— Илгари мактаблари-мизда дарслик танқислиги кузатилар, баъзи фанларга оид китоблар фақат ўқитув-чиларда бўлар эди. Бугун ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даража-си қандай?

— Ҳақиқатан ҳам, илгари дарслик таъминоти жиддий муаммо эди. Бугун дарслик-ларга буюртма тизими паст-дан юқорига принципи асо-сида шакллантирилгани са-марасида вазият бутунлай ўзгарган. Яъни, ҳар бир мак-таб маъмурияти ўз ҳудудида 1-синфга қабул қилинадиган болалар ҳамда 2—9-синф ўқувчилари сонидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фао-лиятини методик таъмин-лаш ва ташкил этиш бўлим-ларига, улар эса вилоят халқ таълими бошқармаларига буюртма беради. Ҳудудлар-дан олинган маълумотлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида умумлаштири-



буюртма бериб, иккита синф қабул қиладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Кўри-лаётган чора-тадбирлар ту-файли бундай ноаниқлик-ларга барҳам берилмоқда ва дарслик таъминоти масала-сида юқори самардорлик-ка эришилмоқда.

Ҳозирги кунда умумтаъ-лим мактаблари учун дав-рийлик асосида етти тилда 1013 номда дарслик чоп этилмоқда ва жойларга ет-казилмоқда. Масалан, 1-синф ўқувчиларига ҳар йили Президент совғаси сифати-да тўққиз номдаги дарслик ва ўн икки номдаги ўқув қуроллари бепул берилмоқ-да. Алифбо, ўқиш китоби, она тили, математика, тас-вирий санъат, мусиқа, ат-

— Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақ-садида Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкама-си ҳузурда чет тилларни ўрганишни янада ривожлан-тириш бўйича Мувофиқ-лаштирувчи кенгаш тузил-ди. Ушбу соҳада тўққиз йўналиш бўйича ишчи гу-руҳлари фаолият олиб бор-моқда. Улар томонидан бу-гунга қадар умумтаълим мактабларининг 1—9-синф ўқувчилари учун янги дав-лат таълим стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишил-моқда. Шунингдек, давлат таълим стандартлари талаб-лари асосида ўқув дастурла-ри лойиҳалари, 1-синф

ган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузаси-да ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса иккин-чи ўринни эгаллади.

Бу давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда ёш авлод камолоти, таълим тизимини изчил ривожлан-тиришга қаратилётган до-имий эътиборнинг амалда-ги юксак самараларидандир.

ЎЗА мухбири
Баҳор ХИДИРОВА
сўхбатлашди.

Yangiliklarda yurt nafasi



Фаргона вилояти шаҳар ва туманларида саломатлик ҳафталиги тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Она ва бола скрининг маркази томонидан ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги тадбирларида малакали шифокорлардан таркиб топган гуруҳлар жойларда бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар, кекса ва ногиронлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилатири.

Малакали шифокорлар гуруҳи ҳафталик доирасида Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

Ҳафталик давомида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш асослари ва унинг омиллари хусусида давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ижодий натижаларни сарҳисоб этиш ва тасвирий санъатнинг турли йўналишлари бўйича самарали меҳнат қилган ижодкорларни тақдирлашга бағишланган "Top art - 2012" тадбири ўтказилди.

2012 йилда rassom ва ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари ижодига мансуб асарлар намойиш этилган юздан ортиқ кўргазма, кўлаб маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар, илмий анжуманлар ташкил этилди. "Тасвирий санъат+5" ҳафталиги, "Фикрлар парвози", "Табият ва rassom", "Суратларда Ватаним мадҳи" сингари кўргазмалар тасвирий санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди. VI халқаро Тошкент фотобиеннаlesi, "Тошкент қувончлари" халқаро болалар расмлари биеннаlesi ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Шу билан бирга, бир қатор хориж мамлакатларида ўзбекистонлик мусаввирлар асарларининг кўргазмалари муваффақиятли ўтказилди.

Тадбирда тасвирий, амалий санъат, ҳайкалтарошлик, дизайнлик, санъатшунослик, фотография каби қатор йўналишларда самарали ижод қилаётган мўйқалам соҳиблари ва оммавий ахборот воситалари ходимларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Адлия вазирлигида давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларида ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур тузилма таҳлиллари соҳада қонунчиликка риоя этилиши билан бирга, йўл қўйлаётган хато ва камчиликларни ҳам кўрсатмоқда. 2012 йилда 19 давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида ўрганишлар ўтказилган. Уларда қонун бузилиш ҳолатлари ва камчиликлар аниқланган. Бу ҳолатларни бартараф этиш масалалари ҳамкорликда ўтказилган йиғилишларда атрофлича муҳокама қилинган. Натижада қонун ҳужжатларига зид қабул қилинган идоравий ҳужжатлар, ноқонуний қарорлар бекор қилинган. Мутасадди мансбдор шахслар интизомий ва мамурий жавобгарликка тортилган.

Тадбирда ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан атрофлича фикрлашилди.

Янгйер шаҳрида барча замонавий кулайликларга эга "Astro neironed" даволаш-диагностика маркази фаолият бошлади.

Хусусий клиникани ишга туширишда "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки Янгйер шаҳар бўлими томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағидан самарали фойдаланилди.

Клиникада умуртқа погонаси билан боғлиқ касалликлар замонавий аппаратлар ёрдамида самарали даволанмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашча, бу ерда қўлланилаётган даво усули касалликни асоратсиз даволаш, жароҳлиқ операциясининг олдини олиш имконини беради.

Шифохонада Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессорларининг маслаҳат-қабул кунлари ҳам ташкил этилган.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ Йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Мураккаб мавзу осон ўзлаштирилади

Сергеи тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган семинар ўтказилди.

Йиғилишда Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан олиб борилган методик ишлар хусусида фикр юритилди. Шундан сўнг муҳокама-лар мактаб раҳбарлари, директорнинг ўқув иш-

лари бўйича ўринбосарлари ва чет тили ўқитувчилари учун шўба йиғилишларида давом этди. Ўзбек ва рус синфларида фаолият юритаётган чет тили ўқитувчилари ҳамда бошланғич таълим метод бирлашмалари раҳбарлари учун мультимедиа машғулоти ўтилди.

Тадбирда педагоглар инглиз, немис ва француз тили фани дарсликларидagi мураккаб мавзуларни электрон шаклдаги манбалар орқали ўқувчига осон етказишнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА

Seminar

Тажриба алмашилди

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг "Таълим жараёнида илгор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш" мавзусида анъанавий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирнинг асосий мавзуси илгор педагогик технологияларга қаратилиб, "Адабиёт фанини ўқитишда "кейс" стадий" технологиясидан фойдаланиш", "Орфографияни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш", "Адабиёт фани тўғрақларида аруз вазнини ўргатиш" каби мавзулар-

да маърузалар тингланди. Айнакча, "Она тили ўқитиш методикаси" китобининг муаллифи, доцент Х.Ғуломова, вилоят ўрта махсус, касб-хуна таълими бошқармаси бош услубчиси Р.Иномованинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича иштирокчилар эътиборини тортиди.

Г.МАДЪЯРОВА,
Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқитувчиси

Экологик маданият юксалмоқда

Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб анжуман уюштирилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик

ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси расиси Борий Алихонов аҳолининг экологик маданияти йилдан-йилга юксалиб, соҳага эътибор тобора кучайиб бораётгани, ёш авлоднинг экологик билимини оширишда маҳалла ва мактабнинг роли кучайганини таъкидлади. Тадбирда экологик соҳага доир мавзуларни кенг омми етказишда даврий нашрларнинг ўрнига ҳам тўхталиб ўтилди. Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистон экологик ҳаракатининг истиқболли лойиҳалари хусусида фикр билдирдилар.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Anjuman

Ўзбекистон темир йўллари равон, мустаҳкам ва тезкор

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2013 йилдаги вазифалари мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йилларида минглаб километр янги темир йўллар қурилди, 50дан зиёд кўприклар барпо этилди. Жумладан, мамлакатимизнинг шимол-ва жанубий ҳудудларини боғлайдиган «Навоий—Учкудук—Султон Увайстой—Нукус» ҳамда «Тошгузар—Бойсу—Қумқўрган» темир йўллари қурилиши, Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб юқори тезликда ҳаракатланувчи

«Afrosiyob» поезди қатновининг йўлга қўйилиши нафақат темир йўл тизимининг, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин ифодаси десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, тармоқ санъат корхоналарида вагон-цистерналар, ёпик ва бошқа турдаги махсус вагонлар, энг замонавий йўловчи ташиш вагонлари қуриш йўлга қўйилди, Локомотив саройи янгилаш, электрлаштириш соҳасида катта тажриба тўпланди.

Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ

Шисалар тилга кирганда...

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғани Абдураззоқовнинг "Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шисасозлиги тарихи" монографиясининг тақдими бўлиб ўтди.

Мазкур илмий асар археология ва кимё фанига оид қадимги ёзма манбалардаги маълумотларни муҳасамлаштириб, улар устида олиб борилган изланишлар натижасида юзага келган. Тадиққотлар манбаи сифатида 385та ёдгорликдан топилган шиса буюм ва бошқа ашёвий далиллар танланган. Илмий иш 777 та кимёвий таҳлил натижаларига асосланган бўлиб, археологик ашёлар шисасозликнинг илк босқичларидан тортиб, то сўнгги кўринишларигача бўлган катта даврни қамраб олган.

— Бу монографиянинг ўқувчи қўлига етиб бориши учун олим бир неча ўн йиллаб изланди, тер тўқди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Аҳмадали Аскарлов. —



Бу эса китобдаги маълумотларнинг синчковлик билан ўрганилганидан дарак беради ва ўз навбатида унинг қимматини оширади.

Тақдимотда иштирок этганлар шисасозлик тарихига оид расмлар, ашёвий далиллардан иборат кўргазма билан ҳам танишдилар.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Педагогнинг замонавий таълим технологиялари моҳиятидан хабардорлиги машғулотларни мукамал андоза асосида лойиҳалаш, ўқувчиларнинг назарий билимларни пухта ўзлаштириши, амалий кўникма ва малака ҳосил қилиши учун кафолат бўлади. Қолаверса, бу ўғил-қизларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини инobatга олган ҳолда, ҳув материалларини мустақил ўзлаштириши учун ҳам зарур. Шу боис таълим тизимида таълим технологияларини тажрибадан ўтказиш, саралаш (ҳар бир фаннинг ўзига хос жиҳатларини инobatга олган ҳолда), бир тизимга келтириш, классификация қилиш давр талабига айланган. Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 20 декабрдаги "Илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғи асосида мамлакатимиз ҳудудларидан танлаб олинган 28та мактабда уч босқичли (ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанлар йўналишида) тажриба-тадқиқот майдонлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда махсус эксперт гуруҳи томонидан танлаб олинган хорижий ва маҳаллий таълим технологиялари тажриба учун жорий этилди.

Педагогик тажриба-синовлар ўтказишдан мақсад ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, аниқ мақсадга йўналтирилган янгича муҳитни яратишни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, бу таълим-тарбиянинг бориши, тузилиши ва натижаларини олдидан кўра олиш имконини ҳам беради.

Ўқитувчилар бундай синовда биринчи бор қатнашаётгани инobatга олиниб, тажриба-синов ишларининг муддати 3 ўқув йили — **мослашув, фаол ва яқуний босқич** қилиб белгиланди. Биринчи босқичда экспериментатор ўқитувчиларни жараёнга тайёрлаш, уларда зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Тақдим этилган педагогик технологиялар 20дан ортиқ фанлар мисолида синовдан ўтказилиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириши, эркин ва ижодий фикр юритишига, ҳаётий воқеаларга муносабат билдиришига таъсири чуқур ўрганилди.

Албатта, тадқиқот чоғида ҳолисликни таъминлаш жуда муҳим. Чунки тажриба-тадқиқот ҳақида онг остида "Бу яхши янгилик, натижаси ҳам яхши бўлади" деган қатий тушунча ҳосил бўлиши ҳам мум-

кин. Ёки экспериментаторда унга раҳбарлик қилаётган муассаса, шахсга тобелик психологияси бўлса ҳам, тадқиқот натижаларини ошириб кўрсатишга мойиллик туғилади. Бундай эҳтимоллардан холи бўлиш учун куйидагича йўл тутилди:

— дарсларда мактабдаги мавжуд ахборот-коммуникация технологиялари ва лаборатория жиҳозларидан эркин фойдаланиши учун экспериментатор ўқитувчиларга алоҳида дарс жадвали тайёрланди. Натижада машғулотларни мактаб раҳбарлари, фан методбирлашмаси аъзолари ҳам мунтазам кузатиб бориш имконига эга бўлди;

— методни ҳолисона баҳолаш учун тадқиқот



ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тажриба-тадқиқот майдонлари фаолияти кутилган натижаларни бераптими?

дарси тугаши арафасида кузатувчилар мавзу юзасидан тест тузиб (камида 5та) кичик синов ўтказиш ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текширади.

Тадқиқотнинг фаол босқичида экспериментатор ўқитувчилар педагогик технологияларни синовдан ўтказибгина қолмай, интерфаол усул ва машқларнинг ижодий қайта ишланган вариантларини ҳам тавсия эта бошлади. Яъни, тажриба-тадқиқот майдонларида кўплаб ижодкор, изланувчан ўқитувчиларнинг ўзига хос тажрибалари намойён бўлди.

Икки босқич натижаларига кўра муайян педагогик технологиялар тадқиқотчи ўқитувчилар, методист, олим ва илмий раҳбарлар ҳулосалари асосида такомиллаштирилиб, энг саралари амалиётга тавсия этилди (ушбу педагогик технологиялар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика таълим марказининг веб-саҳифаси — www.uzedu.uz ва rtm.uzedu.uz электрон манзилларида ҳам жойлаштирилган).

Фаол босқич бизга муайян ҳулосаларга келиш имконини ҳам беради. Хусусан, ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор: ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсад бўйича кафолатланган натижага эришиши танланган технологияга боғлиқ; таълим

технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига хизмат қилиб, ўғил-қизларни мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, таҳлил этиш ва ҳулоса чиқаришга унда, ўқувчини таълимнинг марказига чиқара олса, уни амалиётга жорий этиш мумкин ва ҳоказо.

Экспериментатор ўқитувчиларнинг эйтирофича, аънавий (суҳбат, савол-жавоб, маъруза тарзидаги) дарслардан кўра илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланган машғулотларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши яхшиланган (2,5—5 фоизга). Шунингдек, болаларнинг мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин ифодалаш ва асослаш, баъзи фикрларни рад этиш ёки маъқуллаш, танқидий ва ижодий ёндашув кўникмалари ўсган, фанга қизиқиши ва ўзига ишончи янада ортган.

Машғулотларда илғор педагогик технологияларнинг қўлланилиши ўқитувчиларнинг ҳам ўз устида ишлаш, замонавий таълим ва ахборот технологияларини ўрганиш ва дарсларга татбиқ этиш, машғулоти кизиқарли, ўзаро фаол янги ҳулосаларга келиш ҳамда ҳамкорликда ташкил этиш малакаларини сезиларли даражада оширмоқда.

Ҳулосалар асосида таълим технологиялари дарс жараёнида қўлланилишига кўра куйидагича классификация қилинди:

• амалий фаолиятни ри-

вожлантиришга йўналтирувчи таълим технологияси;

• ҳамкорлик технологияси;

• ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш технологияси;

• ўқув материални дидактик жиҳатдан технологиялаштириш ва қайта ишлаб чиқиш технологияси;

• ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш технологияси;

• муаммоли, изланишли таълим технологияси;

• ижодий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган эвристик технология.

"Айт-чи, менга", "Оқибатлар", "Муносабатлар чизиги", "Тушунчалар таҳлили", "Тармоқлар", "Сўзли тасаввур", "Классик жуфтликлар", "Мозаика" ва бошқа қатор интерфаол усуллар ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва янгилисини ўрганишда, айнаса, яхши самара берди. Мазкур технологияларни янада бойитиш, таъсирчанлигини оширишга катта ҳисса қўшган илғор ва ташаббускор тадқиқотчи ўқитувчилардан 39 нафарининг иш тажрибаси республика миқёсида омма-лаштирилди.

Шу ўқув йилида синов майдонларида **яқуний босқич** давом этмоқда. Ишонимизки, экспериментатор ўқитувчилар бу гал ҳам синовдан самарали ўтган

қатор таълим технологияларини амалиётга жорий этиш учун тақлиф этадилар.

Айтиш жоизки, бу билан илғор педагогик технологиялар борасидаги изланишлар тўхтаб қолмайди. Балки сараланган таълим технологияларини барча ўқитувчиларга ўргатиш, дарсларда қўллаш малакасини шакллантириш босқичи бошланади. Бунинг учун куйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

• сараланган таълим технологиялари ва интерфаол усуллар банкни яратиш ва таълим порталига жойлаштириш;

• уларни фанлар кесимида классификация қилиш ва аннотациясини ёзиш;

• амалиётга жорий этишга оид методик қўлланма ва дарс ишланмаларини яратиш;

• илғор экспериментатор ўқитувчилар иш тажрибасини акс эттирувчи электрон таълим манбаларини яратиш;

• янгича ўқитиш усуллари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш;

• амалиётчи ўқитувчиларда замонавий таълим технологиялари асосидаги дарсларнинг технологик харитасини тузиш малакасини шакллантириш ва ҳоказо.

Синовдан ўтган дарс усулларини амалда самарали қўллаш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шу боис уларнинг касбий маҳорат ва малакасини мунтазам ошириб бориш зиммамиздаги энг долзарб вазифалардандир.

Нарзикул ТУРДИЕВ,
Республика таълим маркази директорининг ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
Комила УСМОНОВА,
Республика таълим маркази бош методисти

Umumta'lim maktablarda matematika va informatika fanlari oyligini o'tkazish yuzasidan TAVSIYA

Fan oyligi — o'quvchilar bilim samaradorligi hamda dars va darsdan tashqari tadbirlarning ta'lim-tarbiyadagi ahamiyatini oshirish, o'qituvchi-o'quvchi hamkorligini yanada kuchaytirish, o'quv-metodik ishlarni jonlantirish, o'qituvchilar ijodiy faolligi, izlanuvchanligini takomillash-tirishga xizmat qiladigan muhim ta'limiy bosqichdir.

Fan oyligida pedagogik jamoa tomonidan fan xonasining zarur ko'rgazmali-didaktik materiallar bilan jihozlanishi, ota-onalarni ta'lim tizimidagi o'zgarishlar, o'quvchilarning o'zlashtirish va bilim samaradorligi ko'rsatkichlari bilan tanishtirish ishlari amalga oshirilsa, maktab direktori hamda XTMFMTTE bo'limlari metodistlari

o'qituvchilarning pedagogik mahoratini oshirish, ularning ijodiy izlanishlarini munosib rag'batlantirish, o'zaro tajriba almashishini ta'minlash kabi ishlarni amalga oshiradi. Shuningdek, o'quvchilarni kasbga yo'naltirish maqsadida oliy o'quv yurtlari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari sayohatlar uyushtirish, oliy o'quv yurtlari professor-o'qituvchilari bilan uchrashuvlar tashkil etish ishlari rejalashtiriladi. Devoriy gazetalar chiqarilib, qiziqarli ma'lumotlar, internet sahifalaridan olingan fan yangiliklari yoritiladi. Maktab, tuman, shahar, viloyat miqyosida eng yaxshi uslubiy birlashma, ijodkor o'qituvchi va metodistlar tajribasi o'rganilib, ommalashtiriladi.

O'quvchilar bilim, ko'nikma va malakalarini mustahkamlash, fanga qiziqishini oshirish maqsadida, sinflar va maktablararo «Yosh matematiklar», «Nima, qayerda, qachon?» kabi qiziqarli mavzularda festivallar, fan bilimdonlari bellashuvi va bahs-munozaralar o'tkaziladi.

Metodbirlashma tomonidan fan oyligi bo'yicha o'tkaziladigan kunlik, haftalik tadbirlar belgilanadi. Har hafta uchun aniq bir yo'nalish asosida tadbirlar rejalashtiriladi. Ushbu amalga oshirilgan ishlar maktab pedagogika kengashi, uslubiy kengash va uslubiy birlashma yig'ilishlarida tasdiqlanadi hamda ijrosi muhokama qilinadi.

Fanlar oyligini quyidagi namuna va har bir ta'lim muassasasida o'tgan yillar davomida to'plangan tajribalar asosida rejalashtirish tavsiya etiladi:

Tadbirlar mazmuni	O'tkazish muddati	Mas'ul
<p>1-hafta — fan o'qituvchilarining metodik ishlari haftaligi</p> <p>— Oylilik boshlanishida va yakunida o'quvchilar bilimining DTS talablariga moslik darajasini aniqlash maqsadida sinflar kesimida sinov testlari olish,</p> <p>— o'quvchilar o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar monitoringi o'tkazilib, metodbirlashmada tahlil qilish (jadval va diagrammalar asosida);</p> <p>— «Matematikani o'qitishda masalalar yechish texnologiyalari» mavzusida o'quv-seminar tashkil etish;</p> <p>— Darslarni namunali rejalashtirish, metod va usullarning xilma-xilligi, fanlararo bog'lanish, hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish, natijaviylik, qiziquvchanlik, faollikka erishish masalalariga qaratilgan davra suhbatini tashkil qilish orqali o'zaro darslarni kuzatish va tahlil qilish.</p>	1—9-fevral	Matematika fani o'qituvchisi, metodbirlashma rahbari va a'zolari
<p>2-hafta — ochiq darslar haftaligi</p> <p>Dushanba — 5-"A" sinfda "—" mavzusida. Seshanba — 6-"B" sinfda "—" mavzusida. Chorshanba — "—" sinfda "—" mavzusida. Payshanba — "—" sinfda "—" mavzusida. Juma — "—" sinfda "—" mavzusida. Shanba — "—" sinfda "—" mavzusida.</p>	11—16-fevral	Mashg'ulotlarni olib boradigan o'qituvchining ism-familiyasi O'qituvchi — O'qituvchi — O'qituvchi — O'qituvchi — O'qituvchi —
<p>3-hafta — matematik marafonlar haftasi</p> <p>Dushanba — 5-sinflar uchun "Matematik bellashuv". Seshanba — 6-sinflar uchun "Yulduzli soat". Chorshanba — 9-sinflar uchun "Bilimdonlar va zukkolar". Payshanba — 7-sinflar uchun "Katta poygalar". Juma — 8-sinflar uchun "Kim? Nima? Qachon?" Shanba — Qiziqarli matematika darslari.</p>	18—23-fevral	Fan o'qituvchilari, maktab jamoasi, o'quvchilar, ota-onalar
<p>4-hafta — sinfdan tashqari mashg'ulotlar natijalari</p> <p>Dushanba — "—" sinflarda olib borilgan to'garak ishlari hisoboti;</p> <p>Seshanba — to'garak a'zolari chiqargan devoriy gazetalar, o'quvchilar va o'qituvchilar tayyorlagan ko'rgazmali materiallar tanlovi, dars ishlanmalari, sinfdan tashqari mashg'ulotlar va eng namunali matematika yoki informatika daftari ko'rgazmalari;</p> <p>Chorshanba — oylilikda olib borilgan ishlarni, eng yaxshi matematika (informatika) fani o'qituvchisi tajribasini ommaviy axborot vositalari, radio, televideniye orqali targ'ib qilish;</p> <p>Payshanba — olimlar, tuman va viloyatdagi eng yaxshi matematika va informatika fanlari o'qituvchilari, faxriy ustozlar bilan uchrashuvlar;</p> <p>Juma — "Matematika fanining ravnaqiga hissa qo'shgan O'rta osiyolik olimlar" mavzusida to'garaklarning ochiq mashg'ulotlarini tashkil etish;</p> <p>Shanba — amalga oshirilgan ishlarning hisobotini olish, umumlashtirish kabilari.</p>	Fevral oyi davomida	Maktab direktorining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari, sinf rahbarlari

I hafta — "Matematika fani o'qituvchilarining metodik ishlari haftaligi"da fan oyligi boshlanishi oldidan o'quvchilardan sinflar kesimida sinov testlari olinadi. Monitoring natijalari metodbirlashmada jadval va diagrammalar asosida tahlil qilinib, muhokama etiladi. Bu haftadagi ishlarni tashkil etishga mas'ul sifatida matematika fani o'qituvchisi, metodbirlashma rahbari va boshqa a'zolar vazifalarini aniq belgilab qo'yish maqsadga muvofiq.

II hafta — "Ochiq darslar haftaligi"da o'qituvchilar sinflar kesimida aniq belgilangan mavzular bo'yicha mashg'ulotlar olib borishadi. Ularning ism-familiyasi ko'rsatilib, ochiq darslar jadvali avvaldan tayyorlanadi va maktabning e'lonlar doskasiga osib qo'yiladi. Mashg'ulotlar o'tkazilishida ota-onalar, o'qituvchilar, metodistlar darslarni faol kuzatishi va tahlil qilishi maqsadga muvofiq.

III hafta — "Matematik marafonlar haftasi"da o'tkaziladigan tadbirlar, o'tkazilish vaqti, tashkil etishga mas'ullar oldindan belgilanib, tuzilgan jadval e'lonlar doskasiga ilinadi. Tadbirlar tashkil etilishi va o'tkazilishiga o'quvchilar, maktab jamoasi, ota-onalar, mahalla ahli jalb qilinadi.

IV hafta — "Sinfdan tashqari mashg'ulotlarning natijalari" haftasida amalga oshirilgan ishlar hisoboti umumlashtirilib, kelgusi ishlar rejalashtiriladi. Belgilangan tadbirlarda o'quvchilar, ota-onalar, mahalla faollari, maktab jamoasining ishtirok etishini ta'minlash maqsadga muvofiq.

Fan oyligi yakunida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalari aniqlanib, tahlil qilinadi va natijalar metodbirlashmada muhokama etiladi. O'tkaziladigan tadbirlar, ochiq darslar va sinfdan tashqari ishlarga ota-onalar ham jalb qilinadi. Fan oyligi yakuni bayramona ruhda o'tkaziladi. Faol ishtirok etgan o'quvchilar, o'qituvchilar hamda sinflarning reytingi e'lon qilinadi va rag'batlantiriladi.

Fan oyligini tashkil etish va uni o'tkazish bo'yicha olib borilgan ishlar aks etgan hujjatlar, fotoalbom va boshqa materiallar maktabning metodbirlashmasida saqlanadi.

M. TILLABOYEVA,
Respublika ta'lim markazining tabiiy va aniq fanlar bo'limi boshlig'i,
L. TEN,
matematika fani bosh metodisti

Президентимиз томонидан сўнгги пайтларда қабул қилинаётган таълим сифатини оширишга қаратилган қатор қарорларда мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири педагогларининг замонавий илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўзлаштириши ҳамда уларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиши белгилаб қўйилган. Бу вази­фалар ижросини таъминлаш учун Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Дастлабки билимларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, қўшимча маълумотлар билан бойитишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, электрон шаклдаги ахборотларнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Чунки, таълим жараёнини ахборотлаштириш таълим олувчининг интеллектуал ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, ҳар бир педагогнинг ўз малакасини ошириши ва фаолият соҳасини ўзгартириши тизимли таълим учун шарт-шароит яратиб имконини беради. Институти­ми­зда 150та компьютер мавжуд бўлиб, уларнинг 96таси интернет тармоғига уланган. Таълим муассасамизга ойига ўрта-

ча 450 — 500, йилга 5-6 минг тингловчи жалб қилинишини ҳисобга олсак, ҳар 4,5 нафар тингловчига битта компьютер тўғри келади. Агар таълим жараёнида педагог ходимларнинг ишдан ажралмаган ҳолда метод кўнлари ташкил этилишини ҳисобга олсак, 2 нафар тингловчи 1та компьютердан фойдаланади. Бу ҳар бир курсда нафақат ахборот технологиялари, балки мутахассислик фанлари назарияси ва ўқитиш методикаси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермоқда.

Институти­ми­зда интернет ресурсларидан фойдаланиб, медиадарслар модуль асосида ташкил қилинмоқда. Бунинг учун ахборот-ресурс марказида катта ҳажмдаги маълумотлар базаси мавжуд.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган электрон ресурслар барча тоифа курсларида мутахассислик фани тингловчиларига тақдим этилмоқда.

АКТ ИМКОНИЯТЛАРИ

дарс самарадорлигини кескин оширмоқда

Qaror va ijro

"АКТ курсини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиб, мультимедиа дарсларини олиб бориш методикаси", "Microsoft Power Point-2007да мультимедиа дарсларини ташкил этиш", "Электрон жадвал ва унинг имкониятлари, "Excel" дастури бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш", "Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностика ишларини замонавий ахборот технология воситалари ёрдамида амалга ошириш", "Таълим муассасалари бошқарув тизимиде раҳбарлик услуби, фазилатлари, маданияти ҳамда раҳбар шахсига қўйиладиган талаблар, раҳбарнинг лавозим мажбурияти", "Илгор педагогик технологиялар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш" номли электрон қўлланмалар шулар жумласидандир.

Аудиторияда ва ундан ташқари машғулотларда электрон қўлланмалар, тақдирлар, интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш, ма-

софавий таълимни жорий этиш билан боғлиқ изчил назарий ҳамда амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Мутахассислик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш натижасида тингловчилар бир вақтнинг ўзида маълумотларни эшитиш, кўриш, муҳокама қилиш имконияти эга бўлмоқда. Бу аса тингловчиларни дарсга қизиқтириб, изланишга ундамоқда. Улар педагогик фаолият учун муҳим маълумотларни электрон кўринишда ёзиб олиш ва фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлмоқда. Бу аса тингловчиларнинг мактаб ҳужжатларини юритиш, ҳисобот топширишининг қулай ва осон, илгор педагогик технологияларни қўллашда техник воситалардан (кадаскоп, видеопроектор, компьютер) фойдаланиш борасида етарли малакага эга бўлишини таъминламоқда.

Х.ЙУЛДОШЕВ,
ТШПККТМОЙ ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор

ДАРС ТАҲЛИЛИ

педагогларнинг янги қирраларини кашф этади

Таълим соҳасидаги ислохотлар халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий ва жаҳон педагогикасининг ютуқлари асосида таълим мазмунини тубдан ўзгартиришни тақозо этаётди. Бунда, албатта, ўқитувчилар, педагогик жамоаларнинг ташаббускорлиги, муаллим маҳорати, дарсда тингловчининг билим, кўникма ва малакаларининг пухталлигини таъминлайдиган замонавий дидактик воситаларни қўллаш олиши муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, устоз-мураббийларнинг тажриба ва маҳоратини аниқлаш, қўллаб-қувватлашда дарс таҳлилларининг аҳамияти катта. Дарс таҳлили нафақат мактаб, балки олий таълимнинг юқори бўғинида ҳам назоратнинг таъсирчан усулларидан бири саналади. Уни амалиётга татбиқ этиш учун профессор-ўқитувчилардан ҳар ойда 4 соат, бир йил давомида 36—40 соатгача педагог ходимлар томонидан ўтиладиган дарсларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Дарс таҳлили бўйича баҳолаш тартиби юзасидан аниқ бир методик кўрсатма мавжуд эмаслиги сабабли ҳар бир таълим муассасаси ички имкониятини ҳисобга олиб, 100 баллик тизимда ўз мезонини ишлаб чиқиши мумкин. Унда ўтилган дарснинг илмий педагогик, психологик, дидактик, умумпедагогик хусусиятлари камраб олинади.

Намуна сифатида дарс таҳлилининг қуйидаги жадвал кўринишини тавсия қиламиз:

Т/р	Машғулот босқичлари	Кузатувчининг дарс жараёни бўйича қисқача фикри	Кўйиладиган балл	Кўйилган балл
1	Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик даражаси (15 балл)	Ўқитувчининг кийиниш маданияти	3	
		Маъруза матнининг давлат талабларига мослиги	3	
		Технологик хари­та ва модульнинг мавжудлиги	3	
		Методик таъминотнинг мавжудлиги	3	
		Мавзунинг ўқув-тематик режага мослиги	3	
2	Дидактик (ёки таълимий) таҳлил (10 балл)	Илмийлиги ва изчиллиги	2	
		Оддийдан мураккабга томон йўналганлиги	2	
		Ахборотларнинг ҳаётийлиги	2	
		Берилаётган билимнинг кўргазмаларда акс этганлиги	2	
3	Услубий таҳлил (8 балл)	Мавзунинг нотиклик маҳорати ва нўгқ маданияти	4	
		Дарс жараёнида ўқитувчининг ижодкорлиги	4	
4	Методологик таҳлил (10 балл)	Мавзу бўйича ҳукмат қарорларидан фойдаланиш	4	
		Соҳа юзасидан буюк аллома ва олимларнинг фикрлари, қилган ишларидан фойдаланиш	3	
		Машғулот натижасида тингловчиларда миллий ифтихор ва гурурни шакллантириш	3	
5	Психологик таҳлил (15 балл)	Тингловчиларда машғулотга бўлган мотивацияни шакллантириш	3	
		Дарс мавзуси бўйича муаммолар вазият ҳосил қилганлиги	3	
		Тингловчилар дидактикни ташкил этиш ва бошқариш	3	
		Хотирани фаоллаштирувчи машқлардан фойдаланганлиги	3	
6	Педагогик таҳлил (12 балл)	Тингловчилар ҳаракатларида ижобий ҳис-туйғулар ва ўзига ишончи қўллаб-қувватлаш	3	
		Дарс жараёнида умуминсоний кадриятлар, тарбиянинг таркибий қисмларини тингловчиларга етказа олиши	4	
		Машғулот натижасида тингловчиларда миллий тарбия элементлари (экологик, иқтисодий, ахлоқий, жинсий, меҳнат, эстетик, миллий ғоя)ни шакллантира олганлиги	4	
7	Илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш (15 балл)	Машғулотнинг таълимий-тарбиявий самарадорлиги даражаси	4	
		Қўлланилган ИПТ усулларининг машғулотга мослиги	5	
8	Ахборот технологияларидан фойдаланиш (15 балл)	ИПТ усулини қўллаш маҳорати	5	
		Тингловчиларда қўлланилган ИПТ элементлари бўйича янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қила олганлиги	5	
		Электрон дарсликлардан фойдаланиш	3	
		Тақдирот слайдлардан фойдаланиш	4	
		Ўқув-таълимий фильмлардан фойдаланиш	4	
		Интернет материалларидан фойдаланиш	4	

Дарс таҳлили натижалари

Т/р	Машғулот босқичлари	Тўплаган балл
1	Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик даражаси	(15 балл)
2	Дидактик (ёки таълимий) таҳлил	(10 балл)
3	Услубий таҳлил	(8 балл)
4	Методологик таҳлил	(10 балл)
5	Психологик таҳлил	(15 балл)
6	Педагогик таҳлил	(12 балл)
7	Илгор педагогик технологияларидан фойдаланиш	(15 балл)
8	Ахборот технологияларидан фойдаланиш	(15 балл)

Дарс шу асосда таҳлил этилганда қуйидаги натижаларга эришилади:

1. Профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтиш маҳорати бўйича рейтинг ўринлари аниқланади.

2. Таълим муассасасида дарс бераётган профессор-ўқитувчилар фаолиятида қайси йўналишлар бўйича бўшлиқлар мавжудлиги аниқланади.

3. Таълим муассасаси педагог ходимларига кўрсатиладиган амалий-методик ёрдамлар йўналиши белгиланади.

4. Дарс машғулотларини кузатиш орқали профессор-ўқитувчилар орасида ўзаро тажриба майдони юзага келади.

5. Педагог ходимлар томонидан ўтилаётган дарсларнинг тўлиқ ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида ўтилишига эришилади.

6. Ўқитувчиларнинг мунтазам ва системали равишда дарсларга тайёргарлик кўриш даражасини оширади.

Профессор-ўқитувчиларнинг алоҳида таҳлил қилинган дарслари умумлаштирилиб, институти бўйича дарсларнинг ягона услубий таҳлил мониторинги тайёрланади. Бу ҳар бир педагог фаолиятининг ҳаққоний, адолатли ва ҳолис баҳола­нишига имкон яратлади.

Кузатилган дарслар бўйича маъсул шахс илмий кенгашга ҳар бир ходимнинг дарс ўтиш маҳорати бўйича натижасини алоҳида кўрсатиб, таҳлил қилинган жадвал асосида маълумот беради. Профессор-

ўқитувчилар фаолиятидаги бўшлиқ, камчиликлар юзасидан зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, юқори натижага эришган профессор-ўқитувчиларнинг тажрибаси институт миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилади.

Шу ўринда услубий таҳлил мониторинги қандай натижа беради, деган савол туғилиши табиий.

Malaka oshirish

Маълумки, профессор-ўқитувчилар ўз фаолиятига ҳамкасбларининг ҳолис, самимий ва адолатли баҳо беришларини истади.

Бинобарин, дарс таҳлили рейтингини институтида изчил олиб борилса, ҳар бир педагог дарс машғулотларига жиддий муносабатда бўлади.

Дарс машғулотларининг маълум бир андозага солиниши тажрибаси етарли даражада бўлмаган ўқитувчиларнинг ҳам ижобий, ҳам ижодий натижага эришишида ёрдам беради.

Дарс таҳлили мониторингининг натижалари педагогик жамоа фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Бунда, энг аввало, барча куч ва этибор машғулотларда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилади. Янги педагогик технология аса педагогларни доимий равишда изланиш ва ижодкорликка даъват этади. Энг муҳими, тингловчиларнинг машғулотларга қизиқиши ортади.

С.ШОДМОНОВ,
Жиззах ВПККТМОЙ ўқув-услубий бўлим бошлиғи

Ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади. Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам мен ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди.

Ислом КАРИМОВ

Комил инсон, баркамол шахс... Биз бу тушунчаларни кадрлаймиз, фарзандларимизнинг шундай бўлишини орзу қиламиз. Нима учун? Шунинг учунки, комилликнинг таг-замирида ҳар бир шахс тақдирини текис ва раvon қилувчи омиллар яшрин. Биз уларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда, "тарбия" сўзига жамлаймиз. Рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат шундаки, тарбиянинг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштира олган киши саодат манзилига боради, Шахс даражасига эришади, жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Таълим-тарбиянинг миридан-сиригача ўрганувчи педагогика фанида болани комиллик манзилига етакловчи омиллар чуқур тадқиқ этилган бўлиб, олимлар бундан бир нечта йўналишга ажратадилар: меҳнат, ахлоқ, фикр ва ақл, ватанпарварлик, иқтисод, нафосат, экология, жисмоний ва ҳуқуқий, байналмилал, шахсий гигиена ва тиббий тарбия.

Тарбия усулларининг худди маржондек бу кўринишини фарзандларимиз онгига, тасаввурига сингдириш жуда мураккаб жараён. Кенг жамоатчиликнинг айнан шу масалага диққат-эътибор қаратаётгани ҳам бежиз эмас. Маънавий олами бой шахс — жамиятимизнинг катта бойлиги, хазинасидир. Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлайдики: "бугунги шиддатли даврда чинакам маънавият ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва оозод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин". Азаалий муаммо — фарзанд тарбияси ҳақида янги руқн очиб, туркум мақолалар орқали муҳтарам зиёлиларимизни фикрлашга, баҳс-мунозарача чорлаш ниятидамиз. Болани комилликка ундайдиган тарбиянинг ўзига хос сир-асрорлари ҳақида сўз юритиш ҳаминша долзарб ва муҳим. Илк мавзу меҳнат тарбиясига, унинг таъсир кучига бағишланади.

Биринчи эпизод. Атроф доғарахт, баҳаво жой. Улкан тепалик баҳор келса ям-яшил гиламга айланади. Бир вақтлар бу ер катта шифохона бўлган. Кейинчалик касалхона учун замонавий бино қурилган, унинг ўрни хувиллаб, хушманзара жой ташландиқ майдонга айланди.

2011 йил февраль ойида мактаб биносининг пойдевори тикланди, 2012 йил сентябрь ойида 240 ўринли кўркам ва ихчам таълим даргоҳи фойдаланишга топширилди. Давлат бюджетга маблағлари эвазига тикланган бу бино ён-атрофдаги қишлоқ аҳолисининг фарзандлари учун энг яхши тўхфа бўлди. Эшонқул Жонузоқов бошчилигидаги бунёдкорларнинг қўли қўлига теғмади. Кўркам бу бино аслида инсон бунёдкорлигининг бир исботи эмасми?

Иккинчи эпизод. Неча кундирки, рассомнинг ороми йўқ. Кўз ўнгидан Самарқанд шаҳрига кўрку салобат бағишлаган турган Бибиҳоним масжиди кетмасди. Узоқ ўтмишининг жонли гувоҳини қандай қилиб картинада тасвирласа экан? Рассом фотосуратда акс этган намунага қарайди. Ранглар бир-бирига мувофиқ, миллий колоритни ана шу уйғунликдан излаш керак. Аммо объективдан илганмай қолган нимадир бор, буни ҳаёлот кучи билан топа билармикан?

Ёш рассом Аслиддин Мавлонов 100x80 см. ҳажмдаги рамка қаршисида кун бўйи уйга ботиб ўтирди. Қўлидаги қаламини картина узра айланттирди, чизди, ўзгарттирди, ўчирди, ўрнидан тур-

лиги яққол фикр. Онгли мавжудот—инсон сай-ҳаракати ва ақлзаковати билан мана шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Ҳозир жонаҳон Ўзбекистонимизнинг қайси вилоят ёки туманига бормайлик, тасмадек чўзилган асфальт йўлларни, замонавий дизайни ва меъморий услуби билан кўзни қувнатувчи маъмурий-маиший биноларни, ҳаққа йўллар четида савлат тўкиб турган манзарали дарактларни кўрасиз. Буларнинг барчаси хал-

қимиз меҳнатининг маҳсулидир. Кишилик жамияти пайдо бўлгандан меҳнат қилиш, даромад орттириш, у билан ўзига ва ўзгаларга манфаат келтириш, унинг роҳат ва завқини туйиш, ҳурмат-эътибор шоҳсупасига кўтарилиш катта эҳтиёжга айланган. Инсон ўз қобилиятидан келиб чиқиб, танлаган ва эгаллаган касби бўйича меҳнат қилади. Фуқароларнинг у ёки бу соҳада фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилиш, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб турадиган меъёрий ҳужжатларга риоя этиш конуний характерда бўлиб, бу жараён барча ташкилот, корхона ва муассасалар фаолиятини белгилайди.

Бахтиёр Исроилов, Тошкент давлат юридик институти "Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси:

—Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси" мулкий шаклдан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган асосий ҳужжатлардан биридир. 2010 йилда ушбу кодекс айрим тузатишлар билан янгиланди. Меҳнат муносабатларида амал қилиниши зарур бўлган ва юзага келиши мумкин бўлган турли ҳолатлар ушбу кодекс моддаларида ҳар томонлама шарҳлаб берилган. Кодексда кўрсатилган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини бошлаш мумкин бўлган истисно тарикасидаги ёш ҳамда пенсия таъминотига доир масалалар ҳам конуний тарзда ҳал қилиниши керак. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга тўлиқ риоя қилиш меҳнат жамоаларида ишчанлик муҳитини таъминлайди.

Психология фанлари номзоди Нигора Лутфуллаева шарҳи:

—Ақлий меҳнат ўз табиатиға кўра тезкор жараён. Инсон нимадир яратишга зарурат сезса, фаол фикрлаши, мақсаднинг нимадан иборат эканлигини, уни қандай усул ва воситалар билан ҳал қилиш муҳимлигини обдон ўйлаши, англаши керак. Ақлий меҳнатда **фараз, таҳмин, мўлжалга олиш, бажариладиган ишдан қандай натижа чиқисини олдиндан билиш** муҳим роль ўйнайди. Меҳнатнинг бу турини шахмат доқсаксида кузатиладиган тасаввур қилишга ўхшатиш мумкин. Шахматчи ўз ҳаракат йўлларини аввал миёсида пишитиб чиқади, сўнгра фигураларни ишга солади. Ақлий меҳнат қилиш учун ҳаёл ва тафаккур бирдек ишлаши шарт. Агар барча ҳолатлар имкон қадар аниқ ва пухта тасаввур қилинса, муваффақиятга эришиш учун йўл очик. Инсоннинг ақлий меҳнат фаолиятида касбий маҳорати, ҳаётни идрок этиши, таҳлил қилиши, таққослаши, умумлаштириши ва ҳулоса чиқариши каби интеллектуал хусусиятлар бош мезон

Тирикликнинг азалий шarti

Моддий олам — кўкўпар бинолар, маъмурий-маиший идоралар, сансоат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, фан оламида яратилаётган ихтиролар, боғу роғлар, спорт иншоотлари инсон ақлий ва жисмоний меҳнатининг маҳсули. Айниқса, ўзбек халқи характерининг қайси жиҳатига бир фуқаронинг улши қўшилган

қилиш, бунёд этиш ва бу омилларнинг тарбиявий таъсир кучидан фойдаланиш, буни ҳаётнинг мазмунига айлантириш биринчи ўринга олиб чиқилганининг гувоҳи бўлаемиз. Билим ва ҳунар эгаллаш, бадиий, илмий-оммабоп асар ёзиш, сценарий яратиш, кўй басталаш, табиат манзарала-

МЕҲНАТ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАЙДИ ВА УЛУГЛАЙДИ

(Биринчи мавзу)

ни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса-ҳодисаларни ўзгарттиришга қаратилган мақсад устуворлик қилади. Фаолиятнинг ҳар иккала тури таркибида **тидиромпонент** мавжудки, бусиз мақсадга эришишининг иложи йўқ. **Хулқатвор, вазият, қобилият, мотивация ва натижавийлик** ақлий фаолият турида ҳам, жисмоний меҳнатда ҳам ўзига хос роль ўйнайди.

Буюк алломалар таълимотидаги бош ғоя

Юртимизда яшаб ўтган ва ўзининг бой маънавий мероси билан умуминсоният тараққиётига хисса қўшган алломалар таълимотида меҳнат комилликка элтувчи асосий омил сифатида тавсифланади. Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Гулчехра Қобилниёзова тарихий шахс—Баҳоуддин Нақшбанд ижодида қўл меҳнати жуда юксак қадрлангани ва таърифлангани хусусида шундай дейди:

— Кўпчиликка ёд бўлиб кетган ўша "Кўнглинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" деган шир ҳар бир кишини ҳалол меҳнат қилишга ундаб келади. Улуғ алломанинг бу таълимотида меҳнат қўл билан шунчаки бажарилиши керак эмас, балки унга **фикр, вужуд, қалбнинг тўлиқ бахшида этилиши** инсонга чинакам завқ-шавқ бағишлаши талкин этилади. Деҳқон, ҳунарманд, аллома меҳнат қилсаю, бунга меҳор қўшмаса, унинг маҳсули қандай бўлиши мумкин, дея ўйлайди Нақшбанд ҳазратлари. Доншманднинг бу қарашларини бугунги кунга ҳам татбиқ этиш мумкин. Чин дийдан, ўз касбига қатъий илоҳс қўлиб меҳнат қилаётган, яратётган, ижод қилаётган кишилар меҳнати маҳсулоти хоҳ моддий, хоҳ маънавий кўринишда бўлсин, харидордир ва эътирофга sazovor.

Инкор қилиб бўлмайдиган бундай қарашлар бошқа алломаларимизнинг асарларида ҳам бор. Минг-минг йиллик халқ пе-

дагогикасининг илмий-назарий ва ҳаётий асосларини пухта ўзлаштириб, уни ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарига жамлаган Маърифатпарвар шахс Абдулла Авлоний сай-ғайрат, яъни меҳнат қилишининг аҳамиятини шундай ифодалаган: "Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тама балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат ўтқармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қуввати масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз сай қилуб, ўз кучимизга маънавийликни керак бўлган асарларни топуб, бошқаларга муҳтож бўлмай роҳатда яшамогимиз лозимдур".

Ортида обрў-эътибор

Инсоннинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжи замирида фаровон ҳаёт кечирши, орзу-ниятларига эришишдек эзгу мақсадлар ётади. Меҳнати ортидан турмуши фаровон бўлишини, моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишини онгли бўлган ҳар бир шахс чўқур идрок этади. Зеро, бу ҳақиқат инсоният ер юзид пайдо бўлган ондан бошлаб унинг ҳаёт тарзи ва широгига айланган. Ақлий тафаккури, мавжуд жисмоний имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга меҳнати орқасидан моддий ва маънавий манфаат улаша олаётган замондошларимиз бу ҳаётий ҳикмати то маънода англайдилар. Меҳнат қилиш, аввало, шахсий эҳтиёж, инсоннинг нимага қодирлигини кўрсатувчи восита, энг муҳими, бахту саодатга, мартаба ва шон-шўҳрат шоҳсупасига олиб чиқувчи омилдир. Ҳалол меҳнати орқасидан шон-шарафга эришган, эъзоз толган, жамият ривожига хисса қўиш баробарида оила-сини фаровонлигини таъминлаган замондошларимиз ҳам айнан шу фикрни тасдиқлайдилар.

Зарифҳўжа Саидазимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси учувчиси

—Тошкент халқаро аэропортидан ҳар кун дунёнинг турли мамлакатларига улкан ҳаво кемалари учади. Юзлаб инсонлар тақдирини унинг учувчилар парвоз пайтида масъулимиз. "Боинг-757", "Боинг-767", "А-10", "РЖ-85" каби мураккаб тузилмага эга самолётларни бир неча киши бошқариб, олис манзилга учиш олдидан ҳар доимидан-да серғак тортамиз. Самолёт салониға жойлашган йўловчиларни ўз манзилга эсон-омон етказиш жараёнида нозик ва қалтис жиҳатлар бор. Олсон кенг, коинот чексиз, ҳаво ланерининг темир оёқларини ер сатҳидан узиллиши билан биз учувчилар ана шу кенгликка қараб парвоз қилаемиз. Ҳаво кемасини чексиз ва музлюк кенг-

қўшилгани бизга гурур ва завқ бағишларди.

Бу — реал типик воқеа бўлиб, оилада болани меҳнат қилишга ундаш, кўникма ҳосил қилиши учун шарт-шароит юзага келтириш, рағбатлантириш, саъй-ҳаракат ортидан келадиган даромад туфайли фаровон яшаш ҳиссиий уйғотиш ва бунинг натижа-сида ўз орзу-мақсадларини амалга ошириш учун имконият яратилишини англайтиш муҳити кузатиломқда. Мутахассислар болани ижтимоий фойдали меҳнат қилиш ва касб-ҳунарга йўналтиришнинг хилма-хил методикалари устида ишлашган. Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий ходими Баҳоридин Акбаров оилада болани меҳнат қилишга ўргатишнинг айрим жиҳатларига тўхталиб, шундай дейди:

—Болада иродавий сифатларни тарбиялашнинг энг муҳим шarti меҳнатдир. Меҳнат тарби-

ясини ташкил этишда мактабнинг роли қанчалик ҳал қилувчи бўлмасин, оиланинг ёрдамисиз бу ишни муваффақиятли бажариб бўлмайди. Соғлом оилавий муҳит, ота-онанинг шахсий ибрати бола диққат-эътиборида туради. Оила соҳиблари топиб келтирадиган даромаднинг катта ва фойдали ижтимоий фойдали меҳнат эвазига оиладан иш ҳақи эканлини фарзанд тушуниб етиши лозим. Баъзи ота-оналар ўзларининг энг зарурий эҳтиёжларини қондиришни ҳам четга суриб қўйиб, боласида худбинликни шакллантириганини сезмай қоладилар. Ҳамма нарсаға осонликча эришган болада манманлик, ялқовлик илдиэ отади, ҳар доим шундай бўлишини хоҳлайди. Ваҳоланки, болани ўз-ўзига хизмат қилишга одатлантириш, яъни қийинлиш, қийинларига давом босиш, нарса-буомларини тахлаб қўйиш, оёк қийинларини тозалаш, овқатланиб бўлгач, идиш-товоқларни ювиб-чайиб қўйишга ундаш, қишлоқ шароитида қўл меҳнати билан бажариладиган барча уй-рўзгор ишларига жалб қилиш унда меҳнатсезнинг зуваласи пишиқ бўлишини қишлоқ қариялар давраларда кўп тақоррлашади.

Оила ва мактаб муҳитида

Шўрчи туманида жойлашган Ҳазрат бобо кишлоғи аҳолиси қадим-қадимдан чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб келади. Бу ерда яшаётган оила-ларнинг асосий даромади ҳам шундан. Ҳўжалик ҳудудида арча, ёнғоқ, бодом каби мевали дарахтлар гурқираб ўсади. Ота-оналар ўз фарзандларини дарсларини дун сўнг ер ағдариш, дарахт экиш, парвариш қилиш, мол боқишга жалб қиладилар. Суяги меҳнат билан қотган болаларнинг зуваласи пишиқ бўлишини қишлоқ қариялар давраларда кўп тақоррлашади.

Болалиги Ҳазрат бобо кишлоғида ўтган кишилардан бири — манзарали боғдорчилик ва ўрмон ҳўжалиги республика илмий ишлаб чиқариш маркази мутахассиси Абдуҳаким Ҳаназаровнинг хотиралари шундай:

—Оилада 8 фарзанд эдик. Тўрт ака-ука мол-ҳолга қараб, экин-тикин ишларини бажарсақ, оиларини ундай. Юзлаб инсонлар тақдирини унинг учувчилар парвоз пайтида масъулимиз. "Боинг-757", "Боинг-767", "А-10", "РЖ-85" каби мураккаб тузилмага эга самолётларни бир неча киши бошқариб, олис манзилга учиш олдидан ҳар доимидан-да серғак тортамиз. Самолёт салониға жойлашган йўловчиларни ўз манзилга эсон-омон етказиш жараёнида нозик ва қалтис жиҳатлар бор. Олсон кенг, коинот чексиз, ҳаво ланерининг темир оёқларини ер сатҳидан узиллиши билан биз учувчилар ана шу кенгликка қараб парвоз қилаемиз. Ҳаво кемасини чексиз ва музлюк кенг-

Yangi rukn: "Komillik mezonlari"



—Моҳиятан олиб қаралганда, ўғил-қизларимиз ақлий ва жисмоний меҳнатнинг илк босқичини оилада бошлаб, мактабда кўпроқ давом эттириш имкониятига эга. Меҳнат таълимининг алоҳида фан сифатида киритилиши ўқувчиларнинг ақлий тафаккурини ривожлантиради, уларда бажариш, яратиш, ижод қилиш қўникмасини шакллантиради. 1—4-синфларда ўқитувчи меҳнат таълими дарсларини бта бўлимни қамраб олган ҳолда умумий, яъни бутун синф ўқувчилари билан биргаликда олиб боради. Қоғоз ва картон, табиий материаллар билан ишлаш, лой ва пластинин, газламали тоғалар, чинкиндилар билан ишлаш, техник моделлаштириш бўлимлари тартибидан бир қанча мавзулардан иборат. 5—9-синфларда эса ўқувчиларнинг гендер хусусияти инобатга олинган ҳолда машғулотлар ўғил-қизлар учун алоҳида ташкил этилади. Ўғил болалар учун технологик характердаги ва ҳунармандчиликнинг эркакларга хос турлари танланган бўлса, қиз болалар уй-рўзгор юритишда асос қотадиган назардан, тикувчилик, каштачилик бўйича жорий қилинган ўқув дастурларини ўзлаштирадилар. Кейинги йилларда меҳнат таълими бўйича дарсликларнинг амалиётга жорий қилиниши катта янгилик бўлди. Шу вақтга қадар ўқитувчилар дарслик бўлмаганили учун амалиётда жиддий қийинчиликларга дуч келишарди. 1—4-синфлар учун меҳнат таълими бўйича дарслик танлов асосида яратилиши, амалиётда фойдаланиломқ-

да. 2-3-, 5-синфлар учун тайёрланган дарсликлар нашрдан чиқиб арафасида. 6-, 7-синфлар учун эса ўқув адабиётини яратиш бўйича танлов эълон қилинган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори Жамил Толипова барча умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда меҳнат қўникмасини шакллантириб бориш учун педагоглар нималарга алоҳида эътибор қаратиши зарурийлиги хусусида шундай дейди:

—Умумий ўрта таълим мактабларида сабоқ олаётган ўқувчиларнинг ҳаётини кундалик меҳнат қўникмалари билан бир қаторда ундан сифати билан фарқ қиладиган, ақлий фаолият билан уйғунлаштиришни талаб этадиган мезонларни таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ҳар бир фан бўйича ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари асосида билим олишини таъминлаш жараёнида **дарсликдан фойдаланиш, кўргазмали қуроллар билан ишлаш, лаборатория ишини бажариш, матн мазмунини тушуниш** қўникмаларини ҳосил қилади. Буларнинг барчаси болада ақл билан иш юритишни талаб қилади. Демак, болани ақлий меҳнатга ўргатиш асосида ўқитишнинг назарий ва амалий боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. Бу жараён ўқувчиларда меҳнат қилишга нисбатан ижобий мотивни шакллантирибгина қолмай, ўқув воситалари ва қуролларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни ҳам пайдо қилади.

Тараққиёт маҳсули бўлиши замонавий технологиялар дунёнинг барча мамлакатлари қатори Ўзбекистон халқи ҳаётига ҳам фаол кириб бормоқда. Уяли алоқа воситалари, компьютер, диктофон, чангютич, терминал, овқат иситувчи ва пиширувчи, кир ювадиган ва қуритадиган, пул санайдиган, ўт ўрадиган, оловни ўчирувчи, соч қуритувчи мосламалар тежорлиги, кулайлиги, афзаллиги, вақтни тежашдек хусусиятлари билан мушкуллимизни осонлаштиради. Йил сайин қўл меҳнатиға эҳтиёж камаймоқда. Аммо ана шу ихтироларнинг ҳар бири яна инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини дилингиздан ўтказинг. Демак, меҳнат қилиш, яратиш, бунёд этиш, ижод қилиш инсоният турмуш тарзининг ажралмас ва муҳим бўлға сифатида абадийлик касб этади.

Хулқар ТҲЙМАНОВА, "Ma'rifat" муҳбири

ТУҶҚАН ОНАМИ, ТАРБИЯЛАГАН?

Хорижий телесериаллардан бирида кино қахрамони аммасига қараб шундай дейди: «Амма, агарда менинг онгимда сизнинг тарбиянгиз бўлмаганида, бу қадар ваҳший бўлмасдим». Бу гап амми чўчитиб юборади, ўйлашга мажбур қилади. Ахир, бола туққанни эмас, тарбиялаганни-да.

Сир эмас, айрим ёшларга ўқи деганингиз билан ўқимайди, тўғри юр деганингиз билан ўз билганидан қолмайди, тартиб-қоидага амал қил, деган гапни ҳар кун эшитиш, бироқ унга риоя этмайди. Шунинг учун тарбиянинг, ўқиб-ўрганишнинг, илм олишнинг, айниқса, ёшлар учун жуда кераклигини гўёки кунига ач маҳал ёйиладиган овқат сингари эҳтиёжга, заруратга айлан-тириш керак. Бола ҳар гал қорним оч қолди, деганда миям ҳам оч қолди, деб ўйлайдиган бўлсин. Ҳеч бўлмаса, икки мартаба қорнини тўйгазганида бир мартаба миямни ҳам тўлдирай, нимадир ўқиб-ўрганади, деган ҳаёлга борсин. Ҳалол ва тўғри ашайман, мазмунли ҳаёт кечираман, эртага ўтган умримдан ачинмайман, афсус-надомат чекмайман, деган киши ўз маънавий оламини бойитиб бориши керак. Бахт калити илмда, изланишда, интилишда, таълим ва тарбияда, бадбахтлик эса илмсизлик ва тарбиясизликдан келиб чиқади, деб ўргатиш зарур. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт

— ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур», деб бежизга айтмаган.

Хўш, тарбиянинг нимаси ҳаёту, нимаси мамот, яъни ўлим?

Узоққа бориш керак эмас. Яхши фарзанди бор одамлар қариган сари яшашиб боради. Нокўбил боласи бор одамлар эса ёшлигиданок

Fikr

қарий бошлайди. Бундай фарзанд ортиқча бармоққа ўхшайди: кесиб ташласанг, оғрийд, кесмасанг, уялтиради. Уят эса отанинг юзини шувут қилиб, белини букиб қўяди. Ахир, уят ўлимдан қаттиқ.

Тарбиянинг нимаси нажот-у, нимаси ҳалокат?

Тарбия кўрган фарзандлар ота-онаси қариганда белига қувват бўлади. Тарбиясизлар эса бевақт ҳалок қилади. Нокўнуний ишларга аралашиб, узоқ муддатга озодликдан

махрум этилган кимсаларни кўринг. Ота-онаси, фарзандлари боши ҳам. Улар изтиробдан қадди букилиб, бандаликни қаримай туриб бажо келтиради. Ахир, бу ҳалокат эмасми?

Тарбиянинг нимаси саодату, нимаси фалокат?

Тарбияли инсонлар кўлида бахт-саодат калити бор. Улар нафақат ўзлари тўғри юради, балки бошқаларни ҳам виждонли бўлишга ундайди. Етти ёки етмиш йилни эмас, етти авлодини ўйлаб яшайди. Тарбия кўрмаганлар, фарзандларига тарбия бермаганлар-чи?

Тасаввур қилинг, 20-25 ёшли аёл ёки эркак ўз билганча яшасин. Орадан ўттиз йил ўтиб, ёши эликдан ошади. Қўлдан, белдан куч-қувват кетган, фарзандлари нима қилади?! Кўш уясида кўрганини қилади... Хўш, бу ҳолатлар қайси фалокат ёки фожеадан кам? Автоҳалокатга учраб, оёқ-кўлидан айрилиб ёки тўшакка михланиб қолган одамдан кўра тарбияси туфайли тақдирини издан чиққан кимсанинг ҳаёт тарзи аянчлироқ эмасми?

Саодат ЖУМАНОВА,
Чилонзор коммунал
хўжалиги ва хизмат
кўрсатиш касб-хунар
коллежи ўқитувчиси

Ilg'or pedagogik texnologiyalar

Мустақил фикрловчи, меҳнат бозори талабларига мос, рақобатбардор кичик мутахассисларни тайёрлаш таълими сифати ва самардорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтаётти. Чунончи, 2-республика тиб-

дан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, кичик гуруҳларда иш олиб бораётган ўқувчилар мавзунини муаммолни вазият ва уни келтириб чиқарган сабабларнинг энг кичик деталларига чўқур таҳлил қилиш орқали мустақил ўрганади. Масалан, яқинда «Болалар эндокрин касалликларида ҳамширалик парвариши» мавзуси бўйича амалий машғулот ўзига хос тарзда ўтди. Ўқувчиларимиз дарсга тайёрланиш жараёнида қўшимча маълумотларни излаб топди, уларни ўқиб ўрганиши билан бирга, ши-

«КЕЙС-СТАДИ» УСУЛИ

уни қўллаш орқали ўқувчиларимиз фаоллиги ва таълим самарадорлиги ошмоқда

биёт коллежиди ҳам мазкур қарорда белгиланган илгор педагогик технологиялар, жумладан, «case study», лойихалар, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин» каби интерфаол усуллар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида кенг фойдаланишга жиддий эътибор қаратилади. Илгор ўқитувчиларимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг илгор педагогик технологияларни кенг омаллаштиришга қаратилган доимий семинарларида олган билимларини коллежда ҳамкасбларига ўргатмоқда. Ҳозирги кунда коллежимизнинг барча педагоглари назарий дарсларга лойихалаш, Венн диаграммаси, амалий машғулотларга эса «case study» каби усулларни татбиқ этишмоқда.

Аваллари ўқувчиларимиз анъанавий тарзда, яъни биз берган ва китобдаги маълумотларни ёдлаш орқали дарсга тайёрланишар, мантӣий саволларга жавоб топшишда эса оқсашарди. Илгор педагогик технологияларни кенг қўллаганимиздан сўнг вазият тубдан ўзгарди. Ўқувчиларимиз дарсдаги иштироки ҳамда билим олишга иштиёқи яққол кўзга ташлана бошлади.

Амалий машғулотларда «case study» усули-

фоҳоналарда ўзларига бириктирилган устозлари кўмагидан ҳам кенг фойдаланишди. Яъни, айни шу касаллик билан даволанаётган бемор болалар ва уларнинг даволловчи шифокори, ҳамшираси ҳамда ота-оналари билан суҳбатлашди. Хасталик тарихи, келиб чиқиш сабаблари, бемор боланинг парвариши каби масалаларга мисоллар ёрдамида жавоб беришди.

Навбатдаги дарс мавзуларини худди шундай ўтишни мўлжаллашди. Сабаби, беморнинг даволаниш жараёнида ҳамширанинг иштироки кўпроқ. Муаммолни вазиятни яхшилаб ўрганмай туриб муолажа қилиниши оқибатида қанча-қанча беморлар ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ўқувчиларимизнинг ушбу усул ёрдамида ўрганган билим ва малакалари келажакда ўз иш фаолиятида, ҳаётини вазиятларда учрайдиган муаммоларни мустақил ҳал қилиш кўникмасини, бошқалар фикрини қабул қила олиш малакасини шакллантиради.

Зулхумор КУРАМБАЕВА,
Гулноза ЗИЁЕВА,
2-республика тиббиёт коллежи
ўқитувчилари

Ўзбек тилининг бузунги кунга қадар ривожланиб, сайқал топишида Навоийнинг ҳиссаси беқиёс. У ўзининг буюк ижоди билан бутун дунё аҳлини лол қолдира олган етуқ мутафаккир зотлардандир. Буни унинг туркий тилга бўлган меҳр-муҳаббатиди ҳам кўришимиз мумкин. У кўпгина асарларини форс ва араб тилларида ҳам яратган. Аlisher Navoiyning адабий илмий мероси девонлар, достонлар, форсий тилдаги шеърини мерос ҳамда илмий-филологик, тарихий асарлардан иборат. Кўринадик, шоир ижодининг бир қисмини форсий тилда битилган асарлар ташкил қилади. Жумладан, Аlisher Navoiyning ўзбек тилида ёзган дастлабки йирик асарларидан бири «Ҳилолия» бўлса, форсий тилдаги биринчи йирик асари «Тухфат ул-афкор» қасидасидир.

У 1498-1499 йили форсий шеърлардан ташкил топган «Девони Фоний»ни, форсий тилдаги икки қасидалар мажмуасини тузиб, форсий шеърини тарққийётига ҳам муносиват қилган.

Аlisher Navoiy бутун ҳаёти давомида ўзбек тили билан бир қаторда форсий тилда ҳам баракали ижод қилди. Унинг бу тилдаги шеърлари 1490-йилларнинг ўрталарида, Эрон олими Юсуф Шерозий тахминича, 1495—1500 йиллар оралигида муаллиф томонидан де-

қасиданавислик салоҳияти юқори бўлган деган хулосага келиш қийин эмас. «Фазоли» сули арбаа» тўпламига тўрт қасида киритилган. Улардан «Баҳор» 57 байтдан, «Саратон» 71 байтдан, «Хазон» 33 байтдан, «Дай» 70 байтдан иборат. Уларда йилнинг тўрт фасли — баҳор, ёз, куз ва қиш, бу фасллардан ҳар бирининг ўзига хос гўзаллиги завқ билан тасвирланган ва барчаси замон подшоҳи — Султон Ҳусайн Бойқаронини подшоҳ ва шахс, қиши дўст ва яхши инсон

НАВОЙНИНГ ФОРСИЙ ТИЛДАГИ МЕРОСИ

вон ҳолига келтирилган ва «Девони Фоний» номи билан шуҳрат топган. Девон 1963 йили Техронда, 1965 йили Тошкентда, 1993 йили Душанбеда нашр этилган. Адабиётшунос олим Ҳ.Суллаймонов тавсифи бўйича, «Девони Фоний»да «Дебоча»дан ташқари, 7 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луғз бор. «Девони Фоний»даги ғазалларнинг аксарияти форсий тилда ижод қилган шоирларнинг шеърлари га татаббулардан иборат. Жумладан, Ҳофиз Шерозийнинг 237, Хисрав Дехлавийнинг 33, Саъдий Шерозийнинг 25, Жомийнинг 52, Мавлоно Котибийнинг 5, Шохий Сабзаворийнинг 5, Камол Ҳўҷандийнинг 4 ғазалга татабу бонланган.

Аlisher Navoiyning форсий тилда ёзган оригинал ғазаллари сони 50дан ортиқ. Шоир ўзининг форсий қасидаларидан алоҳида тўпламлар ҳам тузган. Уларнинг бири «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат»), иккинчиси «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») деб аталади. «Ситтаи зарурия» тўпламига олти қасида киритилган. Уларни Хисрав Дехлавий, Жомий, Анварий, Хоқоний, Салмон Соважий ва бошқа қасиданавислар таънирида яратган. У даврларда шоирнинг шеърини маҳорати кўпинча қасида ёзиш билан белгиланганини ҳисобга олсак, Навоийнинг

сифатида васф этишга бағишланган.

Аlisher Navoiyning адабиёт назариясига оид «Муфрадат» («Рисола муаммо») асари ҳам форсий тилда битилган. Асар муаммо ёзиш ва ечиш қоидаларини илмий изоҳлашга бағишланган. Навоий даврида бу шеър тури ниҳоятда кенг истеъмолда бўлган. Афтидан, бу жанр назарияси ва амалиёти шу давр китобхонларининг адабий дида, тарбияси билан ҳам боғлиқ эди. Аlisher Navoiy билъазан махсус муаммо ечиш мажлислари ташкил этган.

Умуман, Аlisher Navoiy ўзининг форсий тилдаги асарлари билан замондошларининг, биринчи навбатда, Жомийнинг таҳсинига сазовор бўлган. Аlisher Navoiy вафотидан кейин ўтган давр мобайнида шоир асарлари форсий ва туркий халқлар орасида кенг ёйилди. Бугунги кунга келиб ҳам унинг ижоди форсий тилининг етуқ намоёндалари эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Асарларнинг қадри янада оқорилаб, унинг ижодига бефарқ бўлмаган инсонлар доираси тобора кенгаймоқда. Аlisher Navoiyning форсий тилдаги асарлари ҳамон форсийзабон китобхонларнинг кўлидан тушмай келмоқда.

Сайёра ЗУПАРОВА,
ЎзДЖТУ II инглиз
филологияси
факультети талабаси

НАНОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши газетанинг аввалги сонларида.)

XXI аср бир-бири билан узвий боғлиқ, юксак технологиялар ҳисобланган ахборот, био ва нанотехнологиялар асри бўлиши шубҳасиз. Олдинги мақолаларимизда ахборот ва нанотехнологияларнинг бир-бири билан яқинлашганини мисоллар асосида кўриб чиқандик. Ушбу мақолада эса, биотехнология ва нанотехнологиялар орасидаги боғланишлар ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Биотехнология — ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳаларида фойдаланиш мақсадида биологик объектларда зарур хусусиятларни шакллантириш (масалан, модификация қилиш) усуллари мажмуасидир. Ҳозирги замон биотехнологиялари ДНК молекуласининг тузилиши ва функциялари ҳақидаги билимларга асосланган. Олимлар наноструктураларни яратишда тирик организмларда ирсий белгиларни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказиш механизмига бажарувчи ДНК дезоксирибонуклеин кислотаси молекулаларидан қуриш материаллари сифатида фойдаланмоқдалар. Мазлумки, бу молекула кенглиги 2 нм. атрофида бўлган, кўш спираль ҳосил қилувчи иккита полинуклеотид занжирдан иборат. Спираль занжирларнинг бир-бирига боғланиши 4 комплементар нуклеотидлар жуфтликлари водород боғланишлари орқали амалга оширади. ДНКнинг структуравий моделини кашф қилгани учун 1962 йили Д.Уотсон ва Ф. Крик Нобель мукофотига сазовор бўлган. Биотехнологиялар ДНКдан ташқари оқсил каби биомолекулалар ва бактерия, вирус, ачитки, замбуруғлар каби микроорганизмлар ҳамда ўсимлик, ҳайвонлар ҳужайралари ва тўқималари билан иш қўради. Бундан 5 минг йил аввал инсоният микроорганизмлар ёки нанозарралардан хабари бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиб, нон, сирка, қатиқ, пишлоқ ва шунга ўхшаш кўп маҳсулотларни олишга муваффақ бўлган.

Ҳозирги кунда жуда катта тезликда ривожланаётган биотехнология ва нанотехнологиялар негизда янги соҳа — нанобиотехнологиялари (бионанотехнологиялар) пайдо бўлди. Ушбу соҳа мутахассислари олдинги йилларда шу йўналишдаги фанларнинг ривожланишида тўлган фундаментал билимларни жонли системаларнинг хусусиятларидан қилишмайдиган ёки улардан афзал бўлган тирик объектлар аналогларини яратишда қўлланмоқдалар. Биомиметика (бионика) га бағишланган аввалги мақола-мизда ҳам бу ҳақда сўз борган эди.

Ҳозирги замон нанобио-

технологиялари уч асосий йўналишни ўз ичига олади. Биринчи йўналиш — **жонли системалар нанобиотехнологиялари**. Бу йўналиш тирик системалар (биринчи навбатда, микроорганизмлар)нинг хусусиятларини йўналтирилган модификация қилиш (ўзгартириш) йўли орқали уларни сунъий наноконструкцияларни барпо қилишда зарур бўлган маълум функция (масалан, технологик цикл)лар билан таъминлашда ақс этади. Микроорганизмлардан наноматериалларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳам шу йўналишга қиради.

Иккинчиси, **"ярим синтез" нанобиотехнологиялари** бўлиб, у ҳар хил нанобиотехнологик қурилма (масалан, биомотор, датчик)ларни яратишда оқсил, нуклеин кислота ва бошқа молекулалар ҳамда уларнинг комплекслари каби биополимерлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Кейинчалик, "ўз-ўзидан йиғилиш" ёки органик ва ноорганик молекулаларни синтез қилиш принципларидан фойдаланиб, нусхаси олинаётган биологик системанинг маълум функцияларини бажарувчи қурилмалар яратилиши мумкин. Макромолекулаларнинг "ўз-ўзидан йиғилиш" принципи асосида биокомпьютерларни барпо қилиш мумкин. Бундай компьютерлар касалликлар диагностикасида қўлланилиши кўзда тутилган.

Учинчи йўналиш — **синтез нанобиотехнологиялари**. Бу йўналиш келажақда молекулар хатolikлар ҳамда организм, тўқима ва ҳужайралар ҳолатини диагностика қилишдаги нуқсонларни тuzатишга қаратилган қурилмаларни яратиш технологиясига замин тайёрлайди.

Нанотехнологиялар соҳасидаги жиддий муаммолардан бири яратилаётган наноэлектрон асбоб ва қурилмаларнинг компонентлари ўлчамлари ҳамда шакллари-нинг ҳар хиллигидир. Шунинг учун ҳам, олимлар бу мақсадда табиат томонидан яратилган қатъий бир хил ўлчам ва шаклга эга бўлган биологик объектлардан фойдаланишни таклиф қилди-лар. Жонли объектларни нанобиотехнологик мақсадда ишлатишга ("жонли электроника" ёки биоэлектроника) мисол тариқасида табиий биореактор (ўстириляётган ҳужайра ва микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур шароитларни яратувчи қурилма) ҳисобланган бактерияларнинг ҳужайраларини келтириш мумкин. Ма-

салан, магнетотактиль (магнит сезувчи) бактерияси — "Magnetospirillum magneticum"нинг ҳужайраси магнетит нанозарралари — F_3O_4 ни синтез қилиш қобилиятига эга экан. Уларнинг ўлчамлари бактерияларни ўстириш шароитларига боғлиқ. Бактерия ҳужайралари маҳсулот — магнетит мембрана билан қопланган ва шунинг учун ҳам унинг нанозарраларини эритмадан ажратиш жуда осон. Ҳозирги кунда магнитотактиль бактерияларининг нанозарраларини синтез қилишга маъсум генларнинг кетма-кетлиги аниқланган ва энди генетик инженерия усуллари билан синтез қилинаётган нанозарраларнинг параметрларини бошқариш мумкин. Бу ҳол нанозарраларни тирик организм ёки ҳужайра ичида (**in vivo**) синтез қилишнинг яго-

да. Бактерияларнинг сирти ҳар 10 нмда қайтариладиган, S-қатламлар (инглизча single — бир) деб юритиладиган, бир молекула қалинлигидаги оқсилдан ташкил толган даврий структуралардан иборат. Нанобиотехнологлар S-қатламлардан иборат мембранани лабораторияда **in vitro** (тирик организмдан ташқарида) яратдилар. Австрия олимлари физикада "квант ўтапанжараси" деб юритиладиган бундай табиий структурадан сунъий оқсил структураларини барпо қилишда фойдаландилар. S-қатламли структуралар биосенсор (биодатчик) ва литографияда фоторезист сифатида ишлатилмоқда.

Ноорганик ва органик наноматериаллар ва қурилмаларни ишлаб чиқаришда инсониятнинг доимий душмани — вирусларни наноматрица сифатида ишлатиш мумкинлиги аниқланди. California Riverside университети (АҚШ) олимлари наноэлектроникада ишлатиш учун TMV деб юритилувчи, тамаки мозаикаси вируси (вируснинг номи зарарланган тамаки баргларида қосинкор доғлар пайдо бўлиши билан боғлиқ) жуда мос келишини кўрсатдилар. TMV ўзига хос структурасига эга бўлиб, нанокабелни эслатади. Бу вирус ковак оқсил найдан иборат бўлиб, ичида симга ўхшаш РНК молекуласи жойлашган. TMV вирусларидан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бир тилдаги TMV заррачаларининг ҳаммаси структура, шакл ва ўлчам жиҳатидан бир хил бўлади. TMV варионлар (етилган вируслар)и ўз-ўзини йиғишни амалга ошириши ва уюшган структураларни шакллантириши, масалан, учларини бирлаштириб ("**end-to-end**"), занжирлар ҳосил қилиши мумкин. Бундай структуралар кимёвий, физикавий жиҳатдан мустақам бўлади ва уларни металллар, кремний диоксиди ҳамда яримўтказгич материаллар билан қоплаш мумкин. Натижада, тамаки мозаикаси вирусини микроэлектроникада наноэлектродлар сифатида қўллана бўлади.

Оқсил молекулалари исдиқлик ҳаракати ва кимёвий қулар таъсирида бир-бири билан боғланиб наномашиналарни йиғиш қобилиятига эга. Бундай наномашиналар, ҳужайралар ичида ёки ундан ташқарида бўлишдан қатъи назар, табиатнинг умумий қонунларига бўйсунмади. Одатдаги кимёвий боғланишлар уларнинг атомларини бир жойда ушлаб турса, бошқа наномашиналар томонидан бошқарилаётган оддий кимёвий реакциялар уларни йиғади. Молекуллар биологлар синаш пробиркасида вирус оқсиллари ва

ДНК молекулаларини ара-лаштириб, тирик T4 вирусини йиға олдилар. Кўз олдингизга келтиринг: сиз автомобиль қисмларини катта қоробкага солиб, силкитсангиз ва уни чиқарсангиз ўз-ўзидан йиғилган автомобильни кўрасиз. Албатта, бу амалга ошмайдиган ҳодиса. Аммо вируснинг ўз-ўзидан йиғилиши ғайриқонуний эмас. T4 вируси ўз-ўзидан йиғилувчи кўндан-кўп структуралардан биридир. Молекуллар биология соҳасида ишлайдиган мутахассислар аминокислоталардан оқсилни "синтез" қилувчи рибосомани 50 та алоҳида оқсил ва РНК молекулаларига ажратдилар. Кейин уларни синаш пробиркасига жойлаштирилганларга яна аввалгидек ишлайётган рибосомани олдилар.

Нью-Йорк университети профессори Н.Симэк ДНК молекулаларидан 2 ва 3 ўлчамли структураларни олишга муваффақ бўлди. Иккита ДНК молекуласи бирлаштирилса, барқарор ва чидамли структурани яратишда қўллаш учун етарли даражада "қаттиқ" нано-структура ҳосил бўлар экан. ДНК молекулаларидан барпо этилган наноструктурадан олимлар одимловчи наноробот (наномашина)ни яратдилар. Робот ўзининг ДНК молекуласининг фрагментларидан иборат "оёғи"ни кетма-кет базавий ДНКга қўяди ва ундан ажратиб олади. На-тижада у олдинга қараб ҳаракат қилади. Робот ҳаракат қиладиган "йўл" эса, яна бир базавий ДНК молекуласидан иборат. ДНК молекулалари комплементар бўлганлиги сабабли бир-бири билан яхши бирлашади ва ажралади. Яқинда Пердью университети (АҚШ) олимлари "ўз-ўзидан" йиғиладиган РНК (рибонуклеин кислота) — структуралари ёрдамида наномашиналарни яратиш мумкинлигини исботладилар. Келажақда РНК молекулаларидан мураккаб наномашиналарни барпо қилиш мумкин бўлади. Вирус-бактериофаг phi29 РНК молекуласидан ташкил толган бундай конструкциядан ўз моторини кураб экан. Моторнинг ишлаш принципи автомобильнинг ички ёниш двигателига ўхшайди.


Одам танасини кўп жиҳатдан ўта самарадор компьютерга ўхшатиш мумкин. У ахборотни узатиш ва қайта ишлашда ДНК молекуласидан фойдаланади. ДНКда ахборот зичлиги ҳайратда қолдирадиган даражада юқоридир. Келажақда яратиладиган компьютерларда ДНК молекулаларидан фойдаланиш нанотехнологиянинг ўта истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. ДНК компьютерлари эраси квант компьютерларига нисбатан тезроқ амалга ошиши кутилмоқда.

Комил МУҚИМОВ,
ЎзФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор

(Давоми бор.)



Ихчам ва замонавий уйга эга бўлишни ким ҳам истамайди дейсиз. Агар бу уй буйруқларга бўйсуниб, тинчлик ва хавфсизликни мустақил назорат қилиб турса-чи? Бир вақтлар бунга ишониш қийин эди. Бироқ тараққиёт шу даражада илдамлаб бормоқдаки, авваллари эртақлардагина юз берган мўъжизалар ҳақиқатга юз тутиб, турмуш тарзимизнинг бир бўлагига айланиб бормоқда. Эндиликда биргина универсал пулт, интернет ёки мобил телефони ёрдамида дунёнинг исталган нуқтасида туриб, уйингизнинг аҳолидан хабардор бўлишингиз ёки ошхонадан чиқмаёқ озик-овқат маҳсулотларига буюртма беришингиз мумкин. Буларнинг барчасини "Ақлли уй" технологияси яратиб беради.



"АҚЛЛИ УЙ" ЛАР

вақт ва маблағ
тежалишига ёрдам
бермоқда



"Ақлли уй" (ингл. smart home) замонавий дизайнга эга, энг сўнги илм-фан ютуқларини ўзида муҳассамлаштирган яшаш жойи маъносини англатади. Ақлли уйлар хавфсизлик, комфорт ва тежамкорлик сингари хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар махсус ишлаб чиқилган дастур асосида муайян вазиет, содир бўлаётган ҳодисаларга нисбатан ўзини-ўзи автоматик бошқара олишга мослаштирилган. Автоматлашган режим ички ва ташқи омиларга қараб уйдаги барча инженерлик тизимлари ва электр жиҳозлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Бу технология ёрдамида сиз телевизор, DVD, сунъий йўлдошга уланиш (тонер) сингари қурилмаларни бошқариш учун биргина пултни ёрдамидан фойдаланишингиз мумкин. Шунингдек, вентиляция, иситиш ёки совутиш, видеокузатув ва сигнализация тизимларини ёқиб-ўчириш, автомат эшик ва дарвозаларни очиб-ёпиш каби кўпга боваргарчиликлардан халос бўласиз.

"Википедия" электрон энциклопедиясида келтирилишича, "Ақлли уй" тушунчаси илк бор ўтган асрнинг 70-йилларида Вашингтондаги Интеллектуал бинолар институти томонидан ишновлар самардорлиги ва фойдаланишини оширишга қаратилган ишновлар натижасида юзага келган.

1995 йили Java технологияси дастурларини ишлаб чиқарувчилар томонидан электр буюмларининг ишлаш самардорлиги, уларнинг интеллектуал имкониятларини ошириш юзасидан бир қанча лойиҳалар илгари сурилди. Масалан, музлаткичлар томонидан тамом бўлган озик-овқат маҳсулотларини мустақил равишда дўконга буюртма бериш гоёяси ишлаб чиқилди. Бироқ бу гоёя ўша пайтларда ўз амалий тасдигини топмади. Бугунга келиб эса, ушбу лойиҳа асосида бир қанча етакчи компаниялар ақлли уйлар учун шу каби совутичлар яратишга муваффақ бўлишди.

"Ақлли уй" ибораси бугунги кунда иссиқлик, вентиляция, совутиш тизимлари; қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализациялари, бинога кириб-чиқиш, газ ёки сувни назорат қилиш, видеокузатув, алоқа (телефон, ички локал тармоқ), ёритиш, электр таъминоти (тармоққа автоматик уланиш, генератор ва бошқалар), бино механизацияси, хонаки гуллар, дарахт ва ўсимликларни автоматик сугориши, аудио-видео жиҳозлари, уй кинотеатрини бошқариш, телеметрия — масофадан тизимларни ишга тушириш ва ўчириш, объектниг IP-мониторинги (интернет орқали тизимни бошқариш), GSM-мониторинг — телефон орқали уй, офис ва бинолардаги ҳолатни кузатиш, назорат қилиш, электр жиҳозлари, механизмлар ва бутун тизимни масофадан бошқариш сингари вази-

фаларни ўз ичига олади.

2012 йилнинг қузида Panasonic компанияси SMARTHEMS деб номланган бошқарув тизимини кенг миқёсда ишлаб чиқаришни маълум қилди. Ушбу тизим компания томонидан ишлаб чиқарилган барча электр жиҳозлари — кондиционер, ошхона буюмлари ҳамда иссиқ сув билан таъминловчи EcoCute қурилмаси ва уларни бошқариш учун умумий дастурни ўз ичига олади. Бунда AiSEG технологияси барча электр жиҳозлари ва қурилмалар, қуёш батареялари ҳолати, электр энергияси, газ ва сув сарфи ҳақидаги маълумотларни ECHONET Lite тизими ёрдамида умумлаштириб, назорат қилиб бориш вазифасини бажаради.

Сезувчан приборлар, автоматлашган мониторинг ва диагностика тизимлари уйда газ чиқиши, сув тошиши сингари нохуш ҳолатлар аниқланган тақдирда махсус дастур ёрдамида электрон почта ёки мобил телефонингизга хабар жўнатади. Бу эса муаммоларни тезда бартараф этишингизда қўл келиши табиий. Ҳаракатларни сезувчи қурилмалар хонага киришингиз билан автоматик равишда чироқларни ёқиб, чиқишингиз билан ўчиради. Бу энергия тежамкорлигини максимал даражада таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий технологияларнинг жадал тараққиёт этаётгани кўпчилик учун орзу бўлиб қолаётган ақлли уйларни нисбатан арзон баҳоларда қуриш имкониятини яратмоқда. Таъкидлаш ўринлики, масофадан бошқариш мумкин бўлган уй-рўзгор буюмлари, масалан, аудио-видео ускуналари, кондиционер деярли ҳар биримизнинг уйимизда мавжуд. Уларни умумий бир тизимда бошқариш учун эса мухтассислар LanDrive сингари аниқгина оммалашган дастурдан фойдаланишни тавсия этишмоқда. Ушбу технология, шунингдек, ички ва ташқи ёритиш, электр, аудио-видео жиҳозлар, иситиш ва совутиш, вентиляция тизимлари,

пластик пардалар, насос ва двигателларни бошқариш имкониятини яратди.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда аёллар бўш вақтининг 40 фоизини ошхонада ўтказар экан. Бизнесинг оилапарвар аёлларимиз эса бундан ҳам кўпроқ вақтини таом ва ширинликлар тайёрлашга ажратади. Шу сабаб бугунги кунда ақсарият етакчи компаниялар ошхона жиҳозлари, хусусан, совутичларни ақлли уйларга мос равишда ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Шу вақтга қадар совутичлар маҳсулотларини узоқ муддат сақлаб бериш ёки оила аъзоларига эслатма қолдиришга хизмат қилган бўлса, эндиликда улардаги қўшимча қурилмалар бир қатор янги қулайлик ва шароитларни тақдим этмоқда.

Аслида ақлли совутичлар лойиҳаси устидagi ишлар 1996 йилдан бошланг, уч йил давом этди. Унинг илк нусхасини яратиш учун 50 миллион доллар атрофида маблағ сарфланди. Муваффақиятли ўтказилган 50 дан зиёд тадқиқотлар натижасида 75та патент расмийлаштирилди.

Интернет-совутич (ингл. Internet refrigerator ёки Smart refrigerator) — янги авлод рўзгор совутичи бўлиб, интернет тизимига уланувчи платага эга компьютер ҳамда юпқа сенсорли экран билан жиҳозланган. Интернет-совутич нафақат маҳсулотларни сифатли сақлаш, балки интернет орқали тўғри овқатланиш, парҳез, мазаали таом ва ширинликлар тайёрлаш ҳақидаги қулинария тавсиялари билан таништириш, интернет-дўконларидаги нарх-навоини кўздан кечириш, зарур маҳсулотларга буюртма бериш сингари бошқа имкониятларни ҳам тақдим этади. Шунингдек, совутич ёрдамида электрон ёки видео-почта орқали суҳбатлашиш, теледастурларни томоша қилиш, Mp3 форматда мусиқа тинглаш, электрон ёки

овозли хабар, электрон перо кўмагида турли эслатмалар қолдириш ҳам мумкин. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, совутичда юзага келган носозлик автоматик равишда аниқланиб, бу ҳақида ишлаб чиқарувчи компаниянинг хизмат кўрсатиш шохобчаларига ахборот юборилади.

Совутич экранни орқали, шунингдек, ташқи кузатув воситаларига уланиб, бевосита қўшни кузатиш, ошхонадан чиқмасдан болалар хонасидаги ҳолатни назорат қилиш ҳам мумкин.

2012 йилнинг декабрь ойида LG Electronics компанияси янги турдаги яна бир совутичнинг тақдим этди. Унинг ўзига хослиги шундаки, ички томонида жойлаштирилган видео кузатув камераси орқали маҳсулот ёриқларини суратга олади ва улардаги маълумотларни дўкон сарферидаги ахборотлар билан солиштириб, хўжайинига уларнинг сақлиниш муддати ва ҳолати ҳақида хабар жўнатади. Яъни, маҳсулотнинг соғлиб олинган санаси билан истеъмолга яроқлилик муддатлари автоматик равишда таққосланади.

LG Electronics компанияси "ақлли уй" эгалари учун тақдим этаётган кир ювиш машиналари, чангочкичлар, микроўлқунли печлар, интернет-кондиционерлар ҳам илм-фаннинг сўнги ютуқларини ўзида муҳассамлаштиргани билан алоҳида аҳамиятга эга. Улар ичида энг зарғабидан бири — интернет-кондиционер, энг аввало, интернетга уланиш, автодиагностика хусусиятини ўзида муҳассамлаштирган. Ушбу кондиционерни яратиш учун компания 40дан ортиқ тажрибаларга 3,6 миллион доллар маблағ сарфлади. Уч йил давом этган ишловлар 170дан зиёд патентга эга бўлиш ҳуқуқини ҳам берди.

Кондиционер экранни орқали янгликлар, об-ҳаво маълумотларини кузатиб бориш мумкин. Мазкур қурилма инсон саломатлигини назорат қилувчи дастур билан ҳам қуролланган бўлиб, ташқаридаги об-ҳаво маълумотларини қабул қилади ва уй ҳароратини сиз учун оптимал ҳолатга келтиради. Натижада, ҳароратнинг кескин алмашуви оқибатида вужудга келувчи хасталиклар сизга хавф

солмайди.

"Ақлли уй" жиҳозлари ичида бугунги кунда smart телевизорларига бўлган талаб ҳам кун сайин ортиб, ишлаб чиқарувчиларнинг янгидан-янги кашфиётларни амалиётга кенг татбиқ этишларига сабаб бўлмоқда.

2001 йил охирида Sony компанияси биринчилардан бўлиб ана шундай телевизорларни оммавий ишлаб чиқаришни бошлаган эди. Airboard IDT-LF2 модели сенсорли дисплей ва USB-интерфейсига эга бўлиб, у орқали веб-саҳифаларни томоша қилиш, электрон почтани текшириш имконияти ҳам мавжуд. Шунингдек, ақлли телевизорга Canon ва Hewlett-Packard (HP) чоп этиш ускунаси (принтер) дастури ҳам юклангани босис, керакли ва қизиқарли тасвирларни қоғозга босиб чиқариш мумкин. Литий-ионли аккумулятор эса электр таъминотисиз 2 соатгача телевизор томоша қилиш имкониятини беради. Бугунга келиб, масофадан қўл ҳаракатлари орқали бошқариш мумкин бўлган мукамал телевизорлар мамлакатимиз бозорларидан ҳам ўрин эгаллаган.

Шунингдек, турли компаниялар томонидан бошқа турдаги ақлли рўзгор буюмлари ҳам тақдим қилинмоқда. Жумладан, Япониянинг Jaguar International компанияси интернет орқали янгича қийим тикиш технологиялари дастурларини мустақил равишда топши ва ўрнатишга мослашган қийим тикиш ускунаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Connect One ва NAMS (Исроил) компаниялари эса интернет-модем асосида тармоққа уланиб, уй эгасига сарфланган энергия миқдори, янги энергия тарифлари ҳақида хабар бериши мумкин бўлган электр ҳисоблагичларни тақдим этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун ривожланган мамлакатларда кенг йўлга қўйилган ақлли уйлар бекажонларнинг ҳақиқий орузсини рўёбга чиқармоқда. Уларга рўзгор ташвишлари билан банд бўлган бир вақтда ақиллари билан ҳам визуал суҳбатлашиш, фарзандларининг нималар билан бандлигини назорат қилиш ва бошқа юмушларни бажариш имкониятини бермоқда. Шу билан бирга ниҳоятда банд инсонларнинг эса вақти ва маблағи тежалишига ёрдам берапти.

Санжар РУСТАМОВ
тайёрлади.

ХОТИРА СУСАЙИШИ УЙҚУГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Маълумки, ёш ўтиши билан инсонларда тунги безовталиқ ва хотира сусайиши сингари муаммолар пайдо бўла бошлайди. Бу икки жиҳат асосан асаб ҳужайралари билан боғлиқ деб ҳисобланади. Аммо шу пайтгача безовталиқ ва ёдда сақлаш қобилияти камайишининг бир-бирига алоқадорлиги илмий жиҳатдан ўрганилмаган эди.

Калифорниядаги Беркли университетини (АҚШ) мутахассислари мазкур боғлиқликни аниқлашнинг улдасидан чиқиди. Мавзуга оид маълумотлар "Nature Neuroscience" журналида батафсил ёритилди.

Тажрибада қатнашиш учун олимлар аввало ҳеч қандай психоневрологик касалликлар билан оғриманган, ақлий қобилияти ҳам

меърида бўлган 15—20, 70—80 ёшлар атрофидаги 18 нафар иштирокчини таклиф қилдилар. Тажрибада дастлаб иштирокчилардан берилган сўз бирикмаларини эслаб қолиб, бироз вақтдан кейин уларни айнан такрорлаш талаб этилди. Сўнгра иштирокчиларга уқлаш буюрилди. Бу вақтда тадқиқотчилар томонидан уларнинг мия фаолияти қайд қилиб борилди. Уйқудан кейин ёдлаган сўзларини яна бир марта такрорлаш орқали уларнинг мия фаолияти қайтадан кузатилди.

Кутилганидек, қарияларнинг берилган сўзларни ёдда сақлаши ёшларга қараганда кийинроқ кечди. Кузатувлар жараёнида олимлар инсоннинг уйқудagi безовталиги қанчалик кучли бўлса, хотираси ҳам шунчалик пасайишини аниқлаб, зарур tavsiyalarni ishlab chiqdilar.

БИОНИК ҚЎЛ ЯРАТИЛДИ

Британиялик Кристофер Тейлор протез соҳасида улкан аҳамиятга эга бионик қўл ясашига муваффақ бўлди. Мазкур кашфиёт Уйғониб даврининг машҳур вакили шарафига "Микеланжело қўли" деб номланди. Бионик қўл кундалик вазибаларни енгилаштириши билан бирга, аввалаги иш фаолиятига қайтиш имкониятини яратади.

Ушбу кашфиётни яратишда Тейлорга ўзининг жисмоний ҳолати туртки берди. Бир неча йил муқаддам Тейлор мотошикли билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли бир қўлидан айрилган эди. Унинг янги ишланмаси мураккаблиги ва миядан келаётган нейрон сигналларни қабул қила олиши, аниқ ҳаракатланиши билан аҳамиятлидир.

Протез қўл турли металллар қотишмаси ва пластикдан тайёрланган бўлиб, бармоқлар табиийси сингари эгилиб-букилиш хусусиятига эга.

Бармоқларим худди ҳақиқийсидек ҳаракатланади, — дея таъкидлайди Тейлор ортопед ҳузурда. — Энди мен буюмларни ўз қўлим билан кўтариб, яна жойига қўя оламан. Энг муҳими, эндиликда ўз мутахассислигим — муҳандислик фаолияти билан эркин шуғулланишим мумкин.

ТОВУШСIZ ЭШИТИШ МУМКИНИМИ?

АҚШ савдо белгиларини патентлаш бошқармаси (USPTO) сайтида Google компанияси томонидан гаройиб эшитиш мосламасига патент топширилгани маълум қилинди. Кўзойнак кўришишидаги ушбу мослама ўрта қулоқ соҳаси орқали бош мия суягига тебранма (вибрация) таъсир кўрсатиш орқали товуш ўтказишга мўлжалланган.



Янги технология атрофдагиларнинг овозли ахборотларни эшитишига имкон бермаслиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, мослама шовқин-суронда ҳам сифатли эшитишни таъминлайди.

Назарий жиҳатдан ушбу гаджет ёрдамида овозли қақирувларни амалга ошириш, видеосеанс ўтказиш, турли хабарлар қабул қилиш, мусиқа тинглаш ва шу каби бошқа амалларни бажариш мумкин.

Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, 1500 долларлик кўзойнак 2013 йилнинг биринчи ярмида сотувга чиқарилиши кутилмоқда. Шунингдек, мосламанинг кенг истеъмолчилар учун арзон моделини ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.



САРАТОНГА ҚАРШИ ЯНГИ ПРЕПАРАТ

Япониянинг "Dainippon Sumitomo Pharma Co.Ltd" фармацевтик компанияси янги турдаги дори воситаси устида клиник тадқиқот олиб бориш учун мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигидан рухсатнома олишни режалаштирмоқда. Ушбу дори воситаси йўғон ичак ҳужайралари саратони билан касалланган кишиларни даволашга йўналтирилган.

Маълумки, хавфли ўсмалар замонавий даволаш усуллари ёрдамида вақтинчалик зарарсизлантирилади. Аммо саратон тармоқ ҳужайралари оз миқдорда бўлса, организмда сақланиб қолади. Бу эса касалликнинг қайта ривожланишига олиб келиши мумкин.

— Бутун дунёда айнан саратон ҳужайраларини даволашга йўналтирилган дори воситасини ишлаб чиқариш бўйича кенг оммавий ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар маҳсули бўлган бундай дорини яратиш ишлари давом этмоқда, — дея таъкидлайди Осака университетининг тиббий бўйича мутахассиси, профессор Масаки Мори.

Олимларнинг қайд этишича, дори воситасининг самарадорлиги океанортида амалга оширилган клиник тадқиқот жараёнида ўз исботини топган. Шунингдек, тадқиқот натижалари препарат касалликнинг қайталаниш хавфини камайтириб, келиб чиқиши мумкин бўлган акс таъсирларга ўрин қолдирмаслигини кўрсатди. Препаратдан келажақда саратон касаллигининг бошқа турларига қарши курашишда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу боис бу борада изланишлар давом эттирилмоқда.



ТЕЛЕФОН УЧУН МИНИ ТЕЛЕФОН

HTC компанияси "HTC J Butterfly" смартфонини учун HTC Mini — аксессуар мосламасини тақдим этди. У ўзида пульт орқали бошқарув ва ташқи телефон трубкасини мўлжаллаштирилади ва кўнғироқни амалга ошириш ҳамда хабар ёзиш имконини беради. HTC Mini кўришиши жиҳатидан унча қиммат бўлмаган мобил телефонга ўхшайди. Мослама рақамли клавиатура, "қабул қилиш", "рад этиш" ва монокром экрандан ташқи қилиб топган. Мослама смартфонга Bluetooth тизими орқали уланади.



У Full HD 5 дюймдli экран ва тўрт ядрли процессор билан жиҳозланган. Агар J Butterfly телевизорга уланса, "HTC Mini" масофадан туриб бошқариладиган пульт вазифасини ўтайди.

HTC компанияси смартфонини октябрь ойининг ўрталарида сотувга чиқаришни режалаштирмоқда.

ЭЛ АРО АЗИЗ УСТОЗ

Орамизда шундай инсонлар борки, ҳалол ва сидқидил меҳнати ила эл аро азиз. Фахрий устоз Муродилла Қаршиев ҳам фидокорлиги, яратувчанлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган.

У умр бўйи касб этиб келаётган бунёдкорлик фазилини бугунги ёшларга

ўрнак қилиб кўрсатсақ арзийди. Муродилла ака 1965 йили Бухоро давлат педагогика институтининг аниқ фанлар йўналишини таълимлашчи, дастлабки залворли



Ta'lim fidoyilari

олимларини чўл бағридаги Арнасай туманини обод этишга ҳисса қўшишдан бошлади.

Устоз қатор йиллар давомида Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида масъул лавозимларда ишлади. Хусусан, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари вазифасида касб-хунар таълими тизими ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ёшларнинг жамиятда талаб катта бўлган мутахассисликларни эгаллаши учун жон койитди. Изланишлари самараси ўлароқ вилоятдаги қорхона ва ташкилотларнинг кадрларга талаби ўрганилиб, шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида миллий унарманчилик, қасаначилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига талаб ортиб кетди.

Айниқса, вилоят Олимпия захиралари футбол мактаб-интернати директори бўлиб ишлаган кезлари зукколик ва талабчанлик билан кўплаб иқти-

дорли ёшлар кашф этилишига ҳисса қўшди. Мактабда этишиб чиққан Анвар Фафуров, Артём Филиппосян, Илҳом Юнусов, Зоҳир Пиримов, Достон Абдурахмонов, Саҳоб Жўраев каби ўнлаб футболчилар бугунги кунда мамлакатимиз миллий терма жамоаси ҳамда машҳур футбол клубларида тўп суриб, юртимиз довуғини дунёга ёймоқда.

Айни пайтда Муродилла Қаршиев Самарқанд вилояти халқ таълими

ходимлари фахрийлар кенгаши раиси сифатида мактаб таълими ривожлантириш, ўқитувчиларнинг обрў-эътибори, нуфузини ошириш, касб маҳорати, билимларини давлат стандарти талаблари даражасига кўтаришга ташкилий ва услубий жиҳатдан кўмак бериб келмоқда. Нуроний устозларни таълим муассасаларига таклиф этиб, уларнинг бой ҳаётий ва касбий тажрибасидан ёш ўқитувчиларни ҳам баҳраманд этмоқда. Устознинг бу борарда тўплаган ўзига хос тажрибаси бошқа вилоятлардаги таълим тизими ходимларининг ҳам эътиборини тортаяпти.

Устознинг ўз таъбири билан айтганда: «Нуронийларнинг қуввати дилда бўлади. Фахрий ўқитувчилар таълим муассасаларига келиб, қимматли маслаҳатлари билан ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўша, улар шуурига Ватанга муҳаббат туйғусини сингирди, бу бизнинг энг катта бойлигимиздир».

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Бир қарашда барчанинг ҳаёт йўли бир-бирига ўхшайди. Аммо чуқурроқ назар солинса, ҳар кимнинг умр мазмуни ўзгача эканига ғувоҳ бўласиз.

«Шухрат» медали соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Семён Берштейн таълим тизими ходимлари яхши

Семён Берштейн ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида халқ таълими тизимидаги меъёрий ҳужжатларнинг пухта ишлаб чиқишига муносиб ҳисса қўшиб келади. У ҳатто чекка қишлоқ мактаблари ҳам бориб, ўқитувчиларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш,

боглик, балки жамият-мизнинг барча жабҳаларини камраб олувчи қонунларнинг аҳолига этиб боришида асосий воситачи бўлмоғи лозим. Азалдан зиёлилар жамиятнинг илгор қатлами бўлгани боис қонунларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилишида масъул ҳисобланади,

ҲАЁТ МАЗМУНИ

ҳуқуқшунос-педагог бир умрлик фаолиятини таълим тизими ривожига бағишлаган

билишади. У қирқ йил давомида ёш авлодни тарбиялаш борасида улкан тажриба тўплаб, ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган. Бу инсоннинг жўяли маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари кўплаб педагогларга иш фаолиятида қўл келади.

таълим-тарбия жараёни самарали ташкил этиш борасида ёрдам қилини чўзди. Кези келганда қаттиққўл, ўрни билан меҳрибон устоз сифатида ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлайди.

— Ўқитувчи нафақат таълим тизими билан

— дейди Семён Берштейн.

Фарзандлар ва набиралар қўршовида кексалик гаштини сураётган қаҳрамонимиз айни кунда ҳам соҳа ходимларидан беминнат маслаҳатларини аямайди.

Шоира БОЙМУРОВА

Бу ёруғ оламда ҳар ким ўзи англаб етган ҳақиқатларга таяниб яшайди. Хусусан, Яхшибой домла Хидировнинг ҳам ҳаётда ўз фалсафаси бор: «Адабиётга ошуфта бўлган, китобга ошно тутинган одамдан ёмонлик чиқмайди».

Қашқадарё воҳасининг куёвдан ранг олган кенгликларидан туғилиб вояга етган Яхшибой Хидиров болалигидан ада-

Орамиздаги одамлар

Қайноқ қалб устоз машғулотларни ўзига хос тарзда ташкил этишга тирришар, ҳар бир қаломни ўғидқилар қалбига нур олиб кирар эди г.

Қирқ беш йиллик фаолияти давомида адабиёт фанига нафақат ўқувчиларни қизиқтиришга эришди, балки бадий асарлар ёрдамида юксак инсоний фазилатларга эга авлодни тарбиялаш мумкинлигини таъкидлаб яшайди.

ЯХШИБОЙ ДОМЛАНИНГ ФАЛСАФАСИ

биётга ихлосманд эди. Ҳар гал Фузулий, Ҳайём, Навоий, Машраб, Огаҳий, Муқимий ғазаллари мутолаасидан қалб чанқоғи қонгандек бўлар, инсон доимо адабиётга, эзгуликка ташна эканини тобора дилдан ҳис этарди. Болалик онларига ҳамоҳанг беғубор орзулари уни ҳозирги СамДУнинг ўзбек филологияси факультетига етаклади. 1969 йили таҳсилни тугатгач, она қишлоғига қайтиб, 121-умумтаълим мактабда ёш авлодга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бера бошлади.

Бугунги кунда устознинг «Доимо қалби кенглик қилинг» деган насиҳатини ўзига шиор қилиб олган юзлаб шоғирдлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида эл-юрт хизматида камарбаста. Домла уларнинг ютуқларидан қувониб, фахрланиб яшайди. Илму маърифат тарғиботчиси бўлган устознинг бешала фарзанди ҳам олий маълумотли педагог.

Х.БЕРДИМУРДОВ

Ажойиб фазилатларга эга Дилором Бобождонова 1970 йили меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида бошлаб, тарих фанига ихлос қўйган бўлса, бир вақтнинг ўзида 1971 йили Тошкент давлат университети (Ўзбекистон миллий университети) тарих факультетининг талабаси бўлди. 1982—2005 йиллари Фанлар академияси тизимида, хусусан, Тарих институтида кичик, катта ва етакчи илмий ходим вазифаларида хизмат қилди. Олима бу ерда Ўзбекистон тарихининг яхши ёритилмаган ижтимоий-иқтисодий, қисман, миллатлараро муносабатлар тарихи масалаларини тадқиқ этишга эътибор қаратди, архив материалларини пухта

ИЗЛАНУВЧАН ОЛИМА, МОҲИР ПЕДАГОГ

ва атрофлича ўрганиш налтижасида тадқиқот ишини муваффақиятли яқунлади.

1989 йили номзодлик ва 1997 йили докторлик диссертациясини ёқлади. Олима ҳаққоний тарихни тиклашга, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этишга ўз ҳиссасини қўшди. 2004 йили профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Дилором Бобождонова кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда қатнашиб, муаммоли, долзарб мавзуларда кенг қамровли маърузалар

қилган. У «Аҳолини иш билан таъминлаш ва илмий ишчи кадрлар тайёрлаш», «Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти», «Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик», «Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар», «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар», «Ўзбекистонда маънавий-маърифий тикланиш ва таълим тизимидаги ислохотлар» каби монография ва рисоаларни яратди.

Тарихчи-тадқиқотчи сифатида ўз меҳнат фаолия-

тини бошлаган олима моҳир педагог сифатида шаклланди, 1999 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси муdiri лавозимида ишлаб келмоқда.

Олима илм-фан, жамоатчилик ишлари қатори инсон ҳаётидаги энг олижаноб бурч — фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашди. Турмуш ўртоғи Искандар ака билан биргаликда тўрт фарзандни тарбиялаб, воя-

га етказишди. Музаффаржон, Дилрабоҳон, Дурдонахон ва Суҳробжон бугунги кунда ота-оналари сингари билимдон, фидойи ва ҳамisha халқ хизматида шай кишилар бўлиб етишди.

Дилором Бобождонова билан ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда суҳбат қуриш, керакли маслаҳатларни олиш учун бемалол муурожаат қилиш мумкин. Буларнинг бари устознинг камтарин, самимий, оддий ва меҳрибонлигидандир.

Мансур МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат бошқаруви
академияси тадқиқотчиси,
Ўткир КАРИМОВ,
Ургант туманидаги
28-умумтаълим мактаби
директорининг маънавий-
маърифий ишлар бўйича
ўринбосари

ТЕННИС МАКТАБИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ



Bolalar sporti

Бухоро вилоятида болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида мавжуд спорт иншоотларини капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш, моддий-техника базасини мустахкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур ишлар доирасида яқинда вилоят марказидаги теннисга ихтисослаштирилган 22-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари натижасида спорт мактаби замонавий қиёфа касб этди. Мураббийлар, спортчилар учун мўлжал-

ланган хоналар, кортлар мукаммал таъмирдан чиқарилди. Тренажёр зали Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан зарур

спорт анжомлари ва инвентарлар билан жиҳозланди. Хуллас, 300 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган спорт мактабида барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Суратда: Бухоро вилояти марказидаги теннисга ихтисослаштирилган 22-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёш теннисчилари Шерзод Ҳамидов, Гулчеҳра Аҳмедова ва Фахриддин Шодиев.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



КЕКСА "ГАПАТАСАРОЙ"

Бу йилги киши трансфер "бозори" кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Яқиндагина Уэсли Снейдерни ўз сафига қорлаган "Галатасарой" футбол клуби яна бир номдор чарм тўп соҳиби Дидье Дрогба билан шартнома тузишга ҳам улгурди.

34 ёшли қаршилаган тажрибали футболчи ўтган йилнинг июнь ойида "Челси" жамоасини тарк этиб, Хитойнинг "Шанхай Шеньхуа" клуби аъзосига айланганди. Аммо ноябрда Дрогбанинг ўзи ФИФАга мурожаат қилди ва Хитой чемпионати билан хайрлашиб, Африка кубоги бахсларига тайёргарлик кўриш учун руҳсат беришни сўради.



Футболчининг талаби қондирилмади. У Хитойдан кетган тақдирда ҳам агар қўлга чемпионатда қатнашишни истаса, албатта, бирор профессионал футбол клубида тўп суриши шарт эди. Шу боис Африканинг энг яхши футболчиси ФИФА йўриқномасидаги қатъий бандни бажариш мўжурбаи яқинда "Галатасарой"ни маъқул қилди.

"БИРИНЧИ" — БАРИБИР БИРИНЧИ

Сербиялик теннисчи Новак Джокович, кутилганидек, мавсумнинг энг йирик халқаро турнирларидан бири — "Australian Open"нинг бош совринини қўлга киритди.



Дунё теннисчилари рейтингини бошқариб турган Новак финалда британиялик муносиб рақиб Энди Маррейга қарши куч синачди. Эътиборлики, олимпиада чемпиони Маррей ярим финалда Федерерни мағлубиятга учратишга му-

ваффақ бўлганди. Бироқ мазкур ажойиб галаба Маррейга ҳал қилувчи учрашувда руҳан устунлик бағишлай олмади. Тўрт сента қўзилган мurosасиз бахс 6:7, 7:6, 6:3, 6:2 ҳисобида Жокович галабаси билан яқунланди. Шу тариқа Новак қаторасига учинчи марта "Australian Open"нинг бош соврини соҳибига айланди.

Хотин-қизлар ўртасида кечган финал учрашувида ҳам биринчи рақамли ракеткачи Беларуслик Виктория Азаренко ўзини кўрсатди: у җитойлик Ли Нани 4:6, 6:4, 6:3 ҳисобида етди.

"ЕТТИ СОВРИН"ЛИК ТАФОВУТ

Америкалик машҳур гольфчи Тайгер Вудс PGA-тур дея ном олган нуфузли турнирда қатнашди ва ўзининг профессионал спортчиллик фаолияти мобайнидаги 75-совринини мухлиссларига бағишлади.

Хафта аввалида Вудс Сан-Диего шаҳрида кечган Farmers Insurance Openда саккизинчи марта зафар қўчди. У белгиланган масофани орта қолдириб, нишонга қоптокчани аниқ етказиш учун атиги олти бора зарба берди. Бу эса мусобақанинг амалдаги чемпиони Брендн Снедекерни орта қолдириш учун кифоа қилди.

Шунга қарамай, Вудс афсонавий гольф устаси Сам Снитгга етиб олиш учун яна 7та соврин жамғариши лозим. Сам ўз вақтида турли мусобақаларда иштирок этиб, жами 82 марта тенгсизлигини исботлаган. 37 ёшли Вудс эса мазкур рекорднинг такрорлай оладими ёки йўқ, буни вақт кўрсатади.



ОРЗУСИ БИР ЖАҲОН ШОҲЖАҲОН

Ям-яшил футбол майдони. Унинг марказида ўзбек футболининг эртаси, умидли ва иқтидорли бўлажак юлдузлари саф тортиб, навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўришмоқда. Улар орасида гавдаси тенгдошларига нисбатан ихчамроқ бир бола ҳам бор. Бир қарашда унинг футбол майдонига келиб қолгани тасодиф бўлса керак, деб ҳам ўйлайсиз. Бироқ машғулотлар бошлангач, унинг эркин, ишончли ва чаққон ҳаракатларини кўриб, беихтиёр "Офарин!", дейсиз.



Иқтидорли sportchi

Аслида бундай лавҳаларга юртимизнинг исталган гўшасида кўзингиз тушиши мумкин. Юртбошимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонла ма соғлом бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган Ўзбекистонимизда чин иқтидор соҳиблари доимий эътиборда. Айниқса, эртанги кун эгалари бўлиши болаларни спортга янада кенгроқ жалб этиш борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар жажамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларимизнинг кундан-кунга обод бўлиб, ҳар қадамда замонавий, мухташам спорт иншоотларининг қад ростлаётгани ҳаммадан кўра, болаларнинг қувончини оширмоқда. Улар мактабдан уйга қайтгач, ана шу спорт майдончаларида, барча инвентарлар билан жиҳозланган залларда, тренажёр хоналарида бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Шоҳжаҳон Ҳасанов ҳам ана шундай келажаги порлоқ ёшлардан. У 2009 йилдан буён "Бунёдкор" футбол клубининг машғулотларида мунтазам иштирок этиб, маҳоратини оширмоқда. Шу билан бирга пойтахт миздаги 279-мактабнинг 9-синфида таҳсил олаётган Шоҳжаҳон фанларини ўзлаштириш ҳам тенгдошларига намуна бўлишга интилади.

1997 йили Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган ёш

иқтидор эгаси қаергадир йўқолиб қолса, оила аъзолари уни доим маҳалла яқинидаги футбол майдонидан топишарди. У бўш вақтини кўпроқ тўп тепишга сарфлар, рақиб дарвозасини қанча кўп ишғол этса, шунча завқланарди.

Шоҳжаҳоннинг "Бунёдкор" футбол клуби ўринбосарлар таркибиде бир қатор муваффақиятларга эришишга ҳам улгургани эътиборлидир. Ўтган давр мобайнида у жамоа таркибиде кўплаб мусобақаларда иштирок этди. Жумладан, 2009, 2010 йилларда кетма-кет Тошкент шаҳар чемпиони бўлиб бўлди. Бундан ташқари, 2009-2010 йилларда олий лига жамоалари ўринбосарлари бахслариде сафдошлари билан чемпионликка эришди, 2011 йилда эса кумуш медаль соҳиб бўлди.

— Келажагимни футбол билан боғлаганман — дейди Шоҳжаҳон Ҳасанов. — Миржалол Қосимов, Сервер Жепаров, Санжар Турсунов, Виталий Денисов сингари тажрибали футболчиларимизга ҳаммиса ҳавасим келади. Уларнинг ўйин услуби, маҳоратини ўрганишга ҳаракат қиламан. Бугун клубимизда мен билан бирга футбол сирларини ўзлаштираётган тенгдошларим сафиде ўзбек футболини янада дунёга танитиш — менинг ҳам энг олий

мақсадим. Яратиб берилётган юксак имкониятлар эса бизни мақсад сари олға бошлайверади.

Ҳа, диёримизда Шоҳжаҳон Ҳасановдек салоҳиятли ўғил-қизларимиз жуда кўп. Уларнинг иқтидорини ўз вақтида англаш, юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Фақат шаҳарлар худудиде эмас, балки чекка қишлоқ ва овулларимизда ҳам бунёд этилаётган мухташам иншоотларда спортнинг қўллаб турлари билан шугулланаётган ёш авлоднинг қувончи чексиз. Ушбу спорт мажмуаларида фаолият юритаётган тажрибали мураббийлар, аввало, ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, қолаверса, мамлакатимиз номини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир чемпионлар авлодини камолга етказишда ўз маҳорати ва билимини сарф этмоқда.

Еш футболчи Шоҳжаҳон ҳам мана шундай юксак имкониятлардан унумли фойдаланиб, яқин келажақда катта майдонларда ўз галабалари ва голлари билан мухлислар қалбига завқ улашса, ажабмас.

Ш.ЖУРАЕВА

Хурматли Махлиё АТАЕВА!

Сизни таваллуд аёмингиз билан муборакбод этамиз. Шарафли ва машаққатли фаолиятингизда зафарлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз ва шогирдларингиз бахтига доимо омон бўлинг. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ёш авлод тарбияси йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Хурмат билан
Сергели туманидаги 300-мактаб педагогик жамоаси.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дастурларимизда бугунги кунда ўз мухлислари эга, давлат мукофотларининг соҳиблари бўлган собиқ битирувчиларимиз ҳам қатнашиши ўқувчиларимиз, томошабинлар руҳиятини янада кўтарди. Концертларимиз орқали санъатимизни тарғиб этамиз, йиғилганларга озгина маънавий озуқа бериш билан бирга, кўпчиликка мусиқий таълимнинг роли, ўрнини кўрсатишга уринамиз. Ўқувчиларимизнинг хаста дилларни шоу этишга ҳаракат қилиши, ёрдам беришни ният қилиши замирида эса эзгуликни улуглаш, ёшларимизни атрофдагилардан, жамиятдан нимадир кўтиб, яшаш эмас, аксинча, юртга, замондошларига нафи тегиб, олдига катта мақсадларни қўйиб умрғузaronлик қилишга одатлантиришдек чорлов жам...

— Фарзандим Давид шу муассасада

мли беморнинг онаси Лобар Нишонова. — Касалхонада ҳамма шарт-шароитлар етарли. Қўли энгил шифокорлар муолажалари ўз вақтида қилишади. Ҳеч нарсага зорикқанимиз йўқ. Лекин кўнгил кўнгил-да! Айниқса, бир неча бор телевизорда кўрганамиз ёш мусиқачиларнинг ортимиздан йўқлаб келишидан бошимиз осмонга етади. Ўғлим ҳам суониб... "Мен, албатта, тузалиб кетаман. Мусиқа мактабига бораман..." дея дардини унутиб ўйнаб қолади.

— "Эзгуликнинг қаноти бор", деганлари бор гап. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта. Яхшиликларни яхшиликларга улашга хизмат қиласизларда, — дея мамнунлигини изҳор этди институтнинг болалар гематология бўлими муdiri Наргиза Бобохонова. — "Болалар-болаларга" хайрия лойиҳаси ўтказилаётган экан, газетада ўқидик, деб бир гуруҳ талабалар ҳам келиб, болажонларимизни хур-

ЭЗГУЛИК АСРАГАЙ ДУНЁНИ...

ўқийди, — дея суҳбатимизга қўшилади ота-оналар кўмитаси раиси Лиана Франгульян. — Мен унинг ўқиш ва изланишларидаги муваффақиятларидан фахрланаман. "Болалар-болаларга" лойиҳасида иштирок этиб, хайрли ишларга қўл ураётганидан эса ниҳоятда суондим. Чунки одамзодда инсонийликдек фазилат бўлмаса, келажакда ким бўлиши, қандай ютуқларга эришишидан қатъи назар, ортида яхши из қолдириши қийин. Таълим муассасаси дилбандим қалбидеги ана шундай туйғуларни жо этишга-да хизмат қилаётгани учун мураббийларидан миннатдорман. Биз ота-оналар кўмитаси аъзолари кенгашган ҳолда хайрия концертларидан тушган маблағларни ҳисоб-китоб қилиб, энг зарур дорилар харид қилинишига бош бўлагамиз.

Илмий текшириш институтида "Болалар-болаларга" лойиҳаси вакиллари худди қадрдонлардек қарши олинди. Навбат билан дори-дармонлар тарқатилар экан, кичкинтойлар ака-опаларининг елкаларига осилар, биргаликда суратларга тушишга кўндиришга уринарди.

— Уларни ўғлим интиқиб кутади, — дея бизга хушнуд пешвоз чиқади Аҳмаджон ис-

санд қилиб кетишди. Албатта, беморларнинг саломатлигини тезроқ тиклаш учун барча тажрибамиз, илмимизни ишга соламиз. Хукуматимизнинг ғамхўрлиги билан ижобий натижаларга эришиляпти. Аммо шифо масканида даволаниш баъзида йиллаб давом этади. Кўпчилик беморларимиз вилоятлардан келишган. Бундай вазиятда меҳрининг, бундайин йўқловларнинг қиммати бениҳоя!

"Болалар-болаларга" хайрия лойиҳаси давом этмоқда. Ҳар ойнинг ўн бешинчи санаси соат 16:00 — 17:00 оралиғида В.Успенский номидаги РИМАЛнинг ташаббускор ёшларидан иборат гуруҳнинг концерт дастури бошланади. Тадбирда сиз ҳам иштирок этишингиз, томошабинлар қаторидан ўрин олишингиз мумкин. Зотан, эзгулик дунёни асрайди дейдилар. Сиз иқтидор соҳибларини олқишлаш орқали дардманч юракларга умид, ишонч ҳиссидек бахтиёрликни ҳам улашингиз мумкин. Дарвоқе, ташкилотчилар галма-галига вилоятларда чиқишлар уюштириши ҳам режалаштиришмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Тимур КАЙСАРОВ олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150, Г-118.

Tiraj 80000.
Hajmi 4 bosma tobaq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish ta'hiriyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va maullifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Xayrullo ABDURAHMONOV.

Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili:
"Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy

Yza akyni — 21.00
Topshirildi — 22.15